

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ **ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИ**

№ 4/2022 йил
(16-сон)



www.tergov.uz



facebook.com/tergov.uz



instagram.com/tergov_uz



t.me/tergov_uz



ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

ҳуқуқий, илмий-амалий журнал





ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳайъат раиси – бош мухаррир
Я.Абдулхаков (PhD)

Ҳайъат раисининг ўринбосари –
масъул мухаррир

Б.Жалолов
(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист)

Муассис вакили
О.Қулбеков

Масъул котиб
Р.Базаров

Ҳайъат аъзолари:

Б.Валиев
М.Рустамбаев (DSc, профессор)
М.Мамасиддиқов (DSc, профессор)
Б.Муродов (DSc, профессор)
А.Шарафутдинов
(Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист)
Б.Пўлатов (DSc, профессор)
С.Нуриддинов
У.Авилов
С.Орипов

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгасига
қайтарилибди. «Тергов амалиёти»дан кўчириб
босилган мақолалар «Тергов амалиёти»дан
олинганлиги кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри
таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Манзилимиз:

100029, Тошкент шаҳри,
Ю.Ражабий кўчаси, 1-уй.

Телефонлар:

71 233-65-34, 71 231-55-88

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
1209 рақами билан рўйхатга олинган.
ISSN 2181-2543

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация
комиссияси (OAK) Раёсатининг 2021 йил 30
октябрдаги 308/6-сон қарори билан Юридик фанлар
буйича фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc)
илмий даражасига талабгорларнинг диссертация
ишлари юзасидан диссертациялари асосий илмий
натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган
журналлар рўйхатига киритилган.





МУНАДИЖА

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 4/2022 йил (16-сон)

Мавлон ГАФУРОВ,
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ
ТҮПЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ
ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИҢ ИСБОТ ҚИЛИШ
ЖАРАЁНИДА ТУТГАН ЎРНИ



Мухтор АБДУРАХИМОВ,
ГЕНОМГА ОИД АХБОРОТДАН
ФОЙДАЛАНИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН
МУАММО ВА ТАҲДИДЛАР

Шерзод ИКРАМОВ,
ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИРИНИ ОШКОР
ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУРИШТИРУВ ОЛИБ БОРИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ



Ақмал АЗИМОВ,
ПРОКУРОР-ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИГА КРІ ТИЗИМИНИ ЖОРӢ
ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳикматулла МЕХМОНОВ,
ВОЯГА ЁТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР
ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ
ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН
ЖИҲАТЛАР

2

40

47

8
16



Шоҳзодхон ТЎРАХОНОВ,
Нодирбек АБДУРАСУЛОВ,
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ
ХАМДА ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

53

24
32

60

Мурод МАВЛЯНОВ,
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРРОРИЗМ ВА
ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА
ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДИРЛАР

ТОПИШМОҚЛАР

67

68

Одилжон ЯҚУБОВ,
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТҮПЛАШ



Мавлон Гафуров,
Тошкент давлат юридик
университети
мустақил изланувчиси

Mavlon Gafurov,
Independent researcher
of Tashkent State
University of Law

ВА МУСТАЖКАМЛАШ ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ
ИСБОТ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ТУТГАН ЎРНИ


CONCEPTS OF COLLECTING AND CONFIRMING EVIDENCE IN THE
CRIMINAL PROCEEDINGS, THEIR ROLE IN THE PROCESS OF EVIDENCE

АННОТАЦИЯ. мақолада далилларни түплаш ва далилларни мустаҳкамлаш тушунчалари, бу борадаги олимларнинг фикрлари, қонунчилик ҳужжатлари нормалари, шунингдек, айrim хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Далилларни мустаҳкамлаш далилларни түплашнинг элементларидан бири ҳисобланмаслиги, балки исбот қилишининг далилларни түплашдан кейинги алоҳида босқичи эканлиги илмий жиҳатдан асослантирилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: далилларни түплаш, далилларни аниқлаш, далилларни олиш, далилларни мустаҳкамлаш, исбот қилиш.

ANNOTATION. this article analyzes the concepts of collecting and confirming evidence, the opinion of scientists in this direction, the norms of legislation, as well as the experience of some foreign countries. It is scientifically substantiated that the confirming of evidence is not considered one of the elements of collecting evidence, but is a separate stage of proof after collecting evidence.

KEYWORDS: collecting evidence, establishing evidence, obtaining evidence, confirming evidence, proving.





Y

збекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 85-моддасида исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат, деб белгиланган.

Лекин, далилларни тўплаш тушунчаси ЖПКда белгиланмаган, балки шу ном билан аталувчи моддада (87-мода) далиллар қандай усулларда тўпланиши ҳақида сўз юритилган.



**Тўплаш сўзининг
луғавий маъноси
– бу бирор
нарсани қўлга
киритиб, олиб ёки
қидириб тўплаш,
қаердадир
жамлаши
ағлатади [1].
“Узбек тилининг
изоҳли луғати”да
эса ушбу атама
“битта-битта териб
бир ерга йиғмоқ,
тўда ҳолга
келтирмоқ, турли
манбалардан
олиб, бир бутун,
яхлит ҳолга
келтирмоқ,
йиғмоқ”, деган
маъноларни
ағлатиши
кўрсатилган [2].**

Б.А. Ражабов “далилларни тўплаш жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш мақсадида далиллар, уларнинг манбаларини қидириб топиш, аниқлаш ва қайд этишга қаратилган ваколатли органлар, мансабдор шахслар ва бошқа иштирокчиларнинг жиноят-процессуал фаолияти”, деб ҳисоблади [3].

Л.Д. Кокорев ва Н.П. Кузнецов эса ўз тадқиқотларида далилларни тўплаш зарур маълумотлар манбаларини излаш ва аниқлашдан, далилий аҳамиятга эга фактлар ҳақидаги маълумотларни аниқлашдан иборат эканлигини ёзганлар. Уларнинг қўшимча қилишича, далилларни тўплаш уларни аниқлашдангина иборат эмас. Фактлар ҳақидаги маълумотлар қонунда ўрнатилган усул ва тартибда мустаҳкамланган: гувоҳни сўроқ қилиш баённомаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси тузилгандан кейин далилий аҳамиятга эга бўлади [4].

К.Б. Калиновскийнинг фикрига кўра тўплаш – бу исботлаш субъектининг далилларни шакллантириш, яъни нопроцессуал маълумотни процессуал шаклга ўтказиш борасидаги фаолиятидир [5].

С.А. Шейфернинг фикрига кўра, далилларни тўплаш уларни шакллантиришни ағлатади ва тергов версияларини – жиноятни ким, қачон ва қандай содир этганлиги, кимда ва айнан қандай далиллар мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлар илгари суриш ва текшириш, ушбу далилларни ҳақиқатан аниқлаш, тўплаш, мустаҳкамлаш (тегишли жиноят-процессуал шаклда қайд этиш)дан иборат [6].

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олимлар далилларни тўплаш тушунчасида қўйидаги элементларни ажратиб кўрсатадилар:

аниқлаш (Р.С. Белкин, Б.А. Ражабов, В.С. Балакшин, Л.Д. Кокорев, Н.П. Кузнецов, Е.Э. Курзинер, Е.Б. Смагоринская, Ю.К. Якимович, А.А. Рясов);

топиш, излаш (Б.А. Ражабов, С.М. Раҳмонова, Л.Д. Кокорев, Н.П. Кузнецов, Р.С. Белкин);

шакллантириш (С.А. Шейфер, К.Б. Калиновский);

олиш (талаб қилиб олиш, қабул қилиб олиш) (С.М. Раҳмонова, Р.С. Белкин, Е.Э. Курзинер, А. Баратов, Е.Б. Смагоринская, Ю.К. Якимович, А.А. Рясов);

мустаҳкамлаш (қайд этиш) (Б.А. Ражабов, С.М. Раҳмонова, Л.Д. Кокорев, Н.П. Кузнецов, Р.С. Белкин, Е.Э. Курзинер, Е.Б. Смагоринская, Ю.К. Якимович, А.А. Рясов);

сақлаш (ишга қўшиш) (Р.С. Белкин, Ю.К. Якимович, А.А. Рясов).



Далилларни түплаш тушунчаси юзасидан олимлар томонидан берилген фикрларни қисман құллаб-қувватлаган ҳолда далилларни түплаш деб, жиноят ишини түғри ҳал қилиш учун ахамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш мақсадида далиллар, уларнинг манбаларини қонунчиликда тақиқланмаган усуллар ва воситалар ёрдамида аниқлаш ва олишга қаратилган фаолиятни тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, юқоридаги олимлар томонидан далилларни түплаш тушунчасини беришда қўлланилган атамалардан фақат иккитаси, яъни аниқлаш ва олиш атамаларидан фойдаланилган ва улар далилларни түплаш билан боғлиқ фаолиятни тўлиқ қамраб олади.

Жумладан, "аниқлаш" атамаси ўз ичига топиш (излаш) маъноларини ҳам қамраб олади ва шу сабабли уларни алоҳида кўрсатиб ўтишга ҳожжат йўқ.

ЖПКнинг 81-моддасида келтирилган далил тушунчасига таърифда ҳам "ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбизлизигини ва ишни түғри ҳал қилиш учун ахамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши"

қайд этилиб, далил бир сўз билан "аниқланиши"га эътибор қаратилган.

Айтиш жоизки, далилни аниқлаш фаол ҳаракатни англатади ҳамда қонун билан ваколат берилган шахсларнинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга қаратилган интилиши орқали амалга ошади.

Лекин, барча далиллар ҳам ваколатли шахсларнинг аниқлаши орқали түпланмайди, кўпгина ҳолларда далиллар фуқаролар ёки юридик шахслар томонидан ихтиёрий равища тақдим этилади ва бунда ваколатли шахсларнинг вазифаси ушбу тақдим этилган далилларни олишдангина иборат бўлади.

Масалан, ЖПК 198-моддасида фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ўз фикрларига кўра иш учун ахамиятга молик бўлган нарсаларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилишга ҳақлидир. Суриштирувчи, терговчи ёки суд тақдим қилинган нарсани кўздан кечириши, агар тақдим қилинган нарсани иш учун ахамиятли деб топса ёки келгусида ахамияти бўлиши мумкин деб ҳисобласа, уни қабул қилиши шарт, деб белгиланган.

Бошқача айтганда, адабиётларда келтирилганидек [7], далилларни түплаш "актив" ва "пассив" ёндашув орқали амалга ошади.

Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, ЖПКнинг 87-моддасида келтирилган далилларни түплаш усулларини ҳам шартли равища ушбу икки гурухга ажратиш мумкин:





1 2

-гурӯҳ – далилларни аниқлаш (фаол ҳаракатлар) қаторига гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтуб; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

-гурӯҳ – далилларни олиш (пассив ҳаракатлар) тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш.

Озарбайжон Республикаси ЖПК 138-моддасида “далилларни олиш” тушунчаси ҳаттоқи “далилларни тўплаш” тушунчасининг ўрнига исбот қилишнинг алоҳида элементи сифатида кўрсатилганлигини кўриш мумкин [8].

Хулоса қилиб айтганда, биз юкоридаги таърифда келтиргандек далилларни аниқлаш ва олиш далилларни тўплаш фаолиятини тўлиқ қамраб олиш учун етарли ҳисобланувчи умумий тушунчалар ҳисобланади.

Бундан ташқари, далилларни тўплаш тушунчасини ЖПКда ҳуқуқий доирада мустаҳкамлаб қўйишга зарурат мавжуд эмас. Чунки, ушбу тушунчанинг қатъий белгиланиб қўйилиши ҳар бир индивидуал хусусиятга эга бўлган жиноят иши ва ҳолат юзасидан далилларни тўплаш борасида эрkin ҳаракатланиш, қандай йўсинда бўлмасин қонунни бузмаган ҳолда ҳақиқатни аниқлашга бўлган интилишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, олимларнинг далилларни мустаҳкамлаш далилларни тўплашнинг элементи эканлиги ҳақидаги фикрлари баҳсли саналади.

Далилларни мустаҳкамлаш тушунчасини қўллашда турли адабиётларда турлича ёндашув мавжуд. Процессуалистлар кўпинча “далилларни мустаҳкамлаш” ҳақида уларнинг “процессуал расмийлаштирилиши”ни ёзадилар. Бунда “терговчи томонидан аниқланган фактик маълумотларнинг процессуал ҳужжатларда акс этиши”, “тўпланган далилларни процессуал тасдиқланиши ва ҳужжатлаштирилиши”, далилларни ўрнатилган процессуал шаклларда мустаҳкамлашни тушунадилар [9].

“Далилларни мустаҳкамлаш деганда, - дейди А.В. Курдявцева, - тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараённида аниқланган маълумотларга далил кучини бағишлиш бўйича жиноят-процессуал қонун талабларини бажаришини тушуниш лозим” [10].


Яъни, Г.З. Тулаганова исбот қилиш жараёнини 5 та босқичдан иборат деб ҳисоблади, яъни далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш, баҳолаш ва тасдиқлаш. В.С. Балакшин ҳам Г.З. Тулаганованинг фикрини қувватлаб, далилларни мустаҳкамлашни уларни тўплашдан кейинги навбатда турувчи исбот қилишнинг алоҳида босқичи сифатида қайд этиб, исбот қилиш жараёнини 4 босқичдан, жумладан далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш босқичларидан иборат деган фикрни илгари суради [11].

Мазкур ёндашувни, яъни да-

лилларни мустаҳкамлаш исбот қилиш жараёнининг алоҳида босқичи эканлиги ҳақидаги ғоя айрим олимлар томонидан танқид қилинади.

Жумладан, Б.А. Ражабовнинг фикрига кўра далилларни тўплаш маълумотларни процессуал тартибда мустаҳкамлаш (қайд этиш) жараёнини ҳам қамраб олади [12].

Фикримизча, Г.З. Тулаганова, В.С. Балакшин, М.Лупинский, М.С. Строгович, Б.Б. Хидоятов, У.А. Тухташева, С.М. Раҳманова, В.З.Лукашевич, Ю.А.Аверина, А.Р. Ратинов, Н.А. Якубович, А.Ларин каби олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаш ва далилларни мустаҳкамлашни исбот қилиш жараёнининг мустақил ва алоҳида босқичи сифатида қараш учун объектив асослар мавжуд.




ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ
ТУШУНЧАСИНИ ЖІҚДА
ҲУҚУКИЙ ДОИРАДА
МУСТАҲКАМЛАБ
ҚЎЙИШГА ЗАРУРАТ
МАВЖУД ЭМАС. ЧУНКИ,
УШБУ ТУШУНЧАНИНГ
КАТЬИЙ БЕЛГИЛАНИБ
ҚЎЙИЛИШИ ҲАР
БИР ИНДИВИДУАЛ
ХУСУСИЯТГА ЭГА
БЎЛГАН ЖИНОЯТ ИШИ
ВА ҲОЛАТ ЙЮЗАСИДАН
ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ
БОРАСИДА ЭРКИН
ҲАРАКАТЛАНИШ,
ҚАНДАЙ ЙЎСИНДА
БЎЛМАСИН ҚОНУННИ
БУЗМАГАН ҲОЛДА
ҲАҚИҚАТИ
АНИҚЛАШГА БЎЛГАН
ИНТИЛИШГА ТЎСИҚ
БЎЛИШИ МУМКИН.

Биринчидан, қонуншуноснинг ўзи кўпгина ҳолларда мустаҳкамлашни далилларни тўплашдан алоҳида кўрсатади.

Жумладан, ЖПКнинг 22-моддасида (ҳақиқатни аниқлаш принципи) далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашни алоҳида-aloҳида келтирилган. Unda “далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усувлар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим” деб қайд этилган.

Бошқача айтганда, жиноят-процессуал қонун уларнинг ҳар бирига алоҳида талабларни қўймоқда.

Табиий савол туғилади – агар мустаҳкамлаш далилларни тўплашнинг таркибида элемент ҳисобланса қонуншунос уларни ажратган ҳолда кўрсатишига зарурат мавжуд бўлармиди?



35

Бундан ташқари, ЖПК 91-моддасининг 1-қисмида ҳам "далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиллар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин"лиги, булар "далилларни тўплашнинг" эмас, балки "далилларни мустаҳкамлашнинг усуллари" эканлиги қайд этилган.

Иккинчидан, исбот қилиши жараёнида иштирок этувчи шахслар ваколатларининг мазмун-моҳияти далилларни тўплаш атамаси уларни мустаҳкамлашни ўз ичига қамраб ололмаслигини кўрсатади.

Бошқача айтганда, мазкур масалани ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ қайси иштирокчи у ёки бу фоалият билан шуғуланишга ҳақли эканлигини аниқлаб олиш муҳим саналади.

Масалан, ЖПК 87-моддасида "далиллар тергов ва суд ҳара-

катларини юритиш йўли билан тўпланади, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли", деб белгиланган.

Демак, қонун мазмунига кўра, далилларни тўплаш суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва ҳимоячи томонидан амалга оширилади.

Агар, кўпчилик олимларнинг нутқати-назаридан келиб чиқсан ҳолда далилларни тўплаш деганда, шу жумладан, далилларни мустаҳкамлаш ҳам тушунлади деб ҳисобласак, бунда ҳимоячи далилларни тўплаш хуқуқига эга бўлмай қолади. Чунки, унда далилларни мустаҳкамлаш ваколати йўқ. ЖПК 90-моддаси талабларига кўра бу тергов ва суднинг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Юқорида айтганимиздек, далилларни тўплаш тушунчаси жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳамда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашни алоҳида келтириши (ЖПКнинг 22-моддаси) бежизга эмас.



Қонуншунос ЖПК 87-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва ҳимоячини далилларни тўплаш субъектлари қаторига киритишида уларнинг бир умумий жиҳатини инобатга олган, назаримизда. Яъни, уларнинг барчаси иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни аниқлаши ва олиши мумкин. Далилларни мустаҳкамлашга эса ушбу субъектларнинг барчаси ҳам ҳақли эмас.

Бошқа айтганда, ҳимоячи далилларни тўплаши, яъни бизнинг таъриф билан айтганда уларни аниқлаши ва олиши мумкин, лекин улар далилларни тўплашдан кейинги мустаҳкамлаш босқичидан, яъни тергов ёки суд баённомасида қайд этиш босқичидан ўтмаса ЖПК 90-моддасининг 1-қисмiga асосан барибир далил бўла олмайди.

Бизнинг фикримизча, шу орқали қонуншунос далилларни тўплаш деганда айнан нимани тушуниш кераклигини билдирган.

Қонун тузилмасига асосан далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш бир-биридан ажратилганлиги бежизга эмас ва мантиқан ҳам тўғри.

Демак, қонуншунос жиноят процессида тарафларга тенг ҳуқуқлар тақдим этиш, тортишувлик тамойилларини таъминлаш мақсадида айнан далилларни аниқлаш ва олишини назарда тутган ҳолда далилларни тўплаш ҳуқуқини айблов ва ҳимоя тарафга ҳам тенг тақдим этган. Кейинги босқич – ишга оид маълумот ва ҳолатларга далил мақомини берувчи далилларни мустаҳкамлаш босқичини эса айнан зиммасида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш масъулияти юқлатилган давлатнинг тегишли тузилмаларига ишониб топширган.

Шу маънода, далилларни мустаҳкамлаш



Кўпчилик олимларнинг нуқтаи-назаридан келиб чиқкан ҳолда далилларни тўплаш деганда, шу жумладан, далилларни мустаҳкамлаш ҳам тушунилади деб ҳисобласақ, бунда ҳимоячи далилларни тўплаш ҳуқуқига эга бўлмай қолади.

исботлаш жараёнининг далилларни тўплашдан кейинги мустақил босқичи деб аташимизга тўлиқ асосимиз бор.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПКнинг 85-моддасига ўзгартиш киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“85-модда. Испот қилиш

Испот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашдан иборатdir”.

Шунда, жиноят-процессуал қонунчилигига испот қилишга оид нормаларнинг тўғри ва умумлашган тушунчасини шакллантирган бўламиз.

Бу орқали, шунингдек, қонундаги тушунмовчиликни бартараф этган ҳолда, жиноят процессининг ҳокимият ваколатига эга бўлмаган субъектларини, биринчи навбатда ҳимоячини далиллар тўплаш субъектлари қаторига киритиш имконияти ҳам пайдо бўлади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. С.И. Ожегов. Словарь русского языка под общ. ред. проф. Л.И. Скворцова - 24-е изд. - М., 2008 - С. 968.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 242.
3. Б.А. Ражабов. Ишни судга қадар юритишида испот қилишнинг умумий шартларига риоя этилишини таъминлаш. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертация иши автореферати. Тошкент, 2019. – С. 17-18.
4. Л.Д.Кокорев, Н.П. Кузнецов. Уголовный процесс: доказательства и доказывание. Воронеж: ВГУ, 1995. – С. 221-222.
5. К.Б. Калиновский. Уголовный процесс. Сайт. К.Калиновского [Электронный ресурс]. URL: http://kalinovsky-k.narod.ru/p/lecture_notes/. (Дата обращения 08.03.2022 г.)
6. С.А. Шейфер. Использование непроцессуальных познавательных мероприятий в доказывании по уголовному делу // Государство и право - 1997 - № 9. – С. 58.
7. А.Е. Зайцева, А.И. Садовский. В развитие учения С.А. Шейфера о формировании доказательств. Вестник СамГУ. 2014. №11/2 (122). – С. 23.
8. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (По состоянию на 08.07.2022). [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420280&sub_id=1380000&pos=2420;-54#pos=2420;-54/ (дата обращения: 29.11.2022).
9. А.И. Трусов. Основы теории судебных доказательств. – С. 84.
10. Н.Н. Лысов. Фиксация доказательств в уголовном процессе. Ч.1. – С. 70.
11. М.С. Строгович. Курс советского уголовного процесса. М., 1968. Т. 1. – С. 302.
12. Б.Б. Хидоятов, У.А. Тухташева, С.М. Рахманова. Проблемы теории доказательств: Курс лекций / под общей редакцией проф., д.ю.н. З.Ф. Иногомжановой. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2021. – С. 69.



ОИД АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МУАММО ВА ТАҲДИДЛАР

PROBLEMS AND THREATS
ARISING FROM THE USE OF
GENOMIC INFORMATION



Мухтор Абдурахимов,
Ички ишлар вазирлиги
Ташкилий департаменти
Юридик таъминлаш
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Mukhtor Abdurakhimov,
Deputy head of the legal
support
Department of the Ministry of
internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Philosophy (PhD) in
Law



АННОТАЦИЯ. Мақолада геномга оид ахборот базаларидан фойдаланишга ваколати бўлмаган шахслар томонидан фойдаланиш, ҳодиса жойидан олинган биологик келиб чиқишига эга бўлган изларни баҳолашда экспертнинг мустақиллигини таъминлаш, геном бўйича мажбурий равишда рўйхатга олиниши лозим бўлган шахслар тоифаларини тўғри прогноз қилиш, геном бўйича давлат рўйхатига олиш харажатларни қисқартириш, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасида ахборотларни сақлаш муддатлари ва асосларига риоя қилиш, геномга оид ахборотни базага киритишдаги хатолик ва қалбакилаштиришга йўл қўйиш, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасини хавфсиз фаолият кўрсатиши учун техник жиҳатдан ҳимояланган тизимни яратиш, шунингдек геномга оид ахборотнинг учинчи шахслар қўлига тушганда юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва таҳдидлар атрофлича ёритилиб, уларни ҳал қилиш юзасидан таклифлар ёритилган.
КАЛИТ СУЗЛАР: одам геноми, биологик материал, геномга оид ахборот, геном бўйича давлат рўйхатига олиш.

ANNOTATION. This article highlights in detail the potential problems and threats arising from the use of genomic information by unauthorized persons, ensuring the independence of an expert in assessing traces of biological origin obtained from the crime scene, predicting categories of persons subject to mandatory genomic registration, compliance with the conditions and grounds for storing genomic information in a single database of genomic information, errors and falsifications of genomic information in the database, creating a technically secure system for the safe operation of a single database of genomic information, as well as problems and threats arising from the receipt of genomic information by «third parties» and proposals for their solution have been developed.
KEYWORDS: human genome, biological material, information about the genome, state registration of the genome.



Геномга оид ахборотдан хавфсиз фойдаланиш жараёни бундай ахборотни тўплаш ва уни сақлашни таъминлайдиган ягона маълумотлар базасининг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Бундай маълумотлар базалари жиноятчиларни рўйхатга олиш мақсадида ҳам, шунингдек, бедарак йўқолгандарни қидириш, оталикни ва бошқа юридик фактларни аниқлаш мақсадларида ҳам яратилиди. Геномга оид ахборотни олиш технологияси ривожланиб, осонлашиб бориши дунё мамлакатларида геномга оид ахборотнинг янги маълумотлар базалари шакллантирилишига ҳамда фуқаролар орасида геномга оид ахборотнинг аҳамияти янада ортиб, тижорийлашишига сабаб бўлмоқда [1, 133-б].

Хорижий давлатларнинг қонунчилиги турли соҳалардаги идентификация моделларини тартибга солади: банк, суғурта,

хавфсизлик ва ҳоказо. Шу билан бирга, кўплаб идентификация тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар геномга оид ахборотни сақлаш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда [2, 49-б].

Бундай геномга оид ахборотнинг маълумотлар базалари ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда яратилиб, ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Бироқ, бундай базаларнинг яратилиши геномга оид ахборотдан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ турли таҳдидларни юзага келтирмоқда.

Геномга оид ахборот муомаласи соҳасида юзага келадиган муаммо ва таҳдидлар шартли равишда икки гуруҳга, яъни геном бўйича давлат рўйхатига олиш, сақлаш ва фойдаланишда юзага келадиган ҳамда базадаги геномга оид ахборот учинчи шахслар қўлига тушганда юзага келадиган муаммо ва таҳдидларга бўлинади. Жумладан:



1

1) Ваколати бўлмаган “тасодифий” шахсларни геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базаларида (кейинги ўринларда – ягона маълумотлар базаси) маълумотлар билан ишлашига ёки бундай маълумотларга эга бўлишига йўл қўймаслик.

Ягона маълумотлар базасидаги маълумотларга рухсатсиз кирган ва (ёки) бундай маълумотга ноқонуний эга бўлган шахс геномга оид ахбороти ягона маълумотлар базасига киритилган шахсни ёки унинг биологик қариндошларини идентификация қилиш орқали ундан фаразли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

“Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонунда терговга қадар текширув, суриширув ва дастлабки тергов органлари, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг суд-экспертиза муассасалари геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширишлари қайд этилган [3]. Бироқ биргина ички ишлар органларида минглаб ходимлар ишлшини инобатга олсак, геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасаларини Қонунда номма-ном белгилаб берилиши етарли эмас. Геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи субъектларни бўлинма миқёсигача аниқ белгилан- маслиги ушбу тоифадаги маълумотлар билан ишловчи шахслар доирасининг назоратсиз кенгайиб кетишига ҳамда бундай маълумотдан ноқонуний равишда фойдаланилиши таҳди迪 юзага келиши мумкин.

2) Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қатнашиб, биологик материални олаётган мутахассиснинг мустақиллигини таъминлаш.

Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қатнашаётган мутахассис биологик материални олаётган, таҳлил қилаётган ва уни келиб чиқишини тахмин қилаётган вақтда ҲМҚО ходимларидан мустақил равишда ҳаракат қилиши, ҳодиса жойидан олган биологик материални илмий ёндашув ва методологияга асосан баҳолаши лозим. Акс ҳолда, мутахассислар томонидан Ягона маълумотлар базасига геномга оид ахборот нотўғри киритилишига ҳамда айбсиз шахсларнинг айбланишига ёки аксинча натижага олиб келиши мумкин.

3) Геном бўйича мажбурий равища давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар тоифасини самарадорлик нуқтаи-назаридан тўғри белгилаш.



2

4

3

“Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида геномга оид ахбороти мажбурий равища давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахслар тоифаси белгиланган [3].

Геном бўйича мажбурий равища давлат рўйхатига олинадиган шахслар тоифаларини белгилашда криминоген вазиятдан келиб чиқиб, рецидив жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни тўғри прогноз қилиш ҳамда ушбу тадбирни амалга ошириш учун давлат томонидан етарли миқдорда маблағ ажратса олиш имкониятини ҳисобга олиш зарур. Чунки, терговга қадар текширув, суриширув ва дастлабки тергов давомида иш бўйича исталган шахснинг геномга оид ахборотини ҳеч бир таҳлилсиз ягона маълумотлар базасига киритилиши, давлатнинг сарф-харожатларини ошириб, ходимларнинг ваколатлари ҳаддан ташқари кенгайишига ва суистеъмол қилинишига олиб келади.

4) Геном бўйича давлат рўйхатига олиш серхарражат тадбир ҳисобланади. “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳар бир шахснинг геномга оид ахборотини олиш учун кимёвий реагентлар ва сарф материаллари талаб этилади. Дастлабки ҳисобларга кўра, бир нафар шахсдан биологик материал олиниши ва унинг генетик паспортни расмийлаштириш билан боғлиқ асосий сарфланадиган материалларга бўладиган харожатлар миқдори ~153 АҚШ доллари ёки 1 630 000 сўмни (01.09.2021 йил ҳолатига АҚШ долларининг ўзбек сўмига нисбатан), ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 бараварини ташкил этади.



Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий эркинликлари ҳақидаги Конвенциянинг 8-моддаси талабларига зид равишда айбсиз шахсларнинг геномга оид ахборотини ноқонуний сақлаганлик учун Буюк Британия Ҳукумати айбдор деб топилган.

5

Считать человека пропавшим без вести можно в том случае, когда он в какой-то промежуток времени исчез из поля зрения окружающих по месту жительства или работы, т.е. его местонахождение им неизвестно. Эти два обстоятельства приводят к выводу, что имеет место третье обстоятельство: «отсутствие видимых причин исчезновения», которое происходит «внезапно», неожиданно для окружающих.

Хозирги кунда "Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ мажбурий равища геном бўйича давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахсларнинг генетик паспортларини яратиш ҳамда ДНК маълумотлар базасига киритиш билан боғлиқ тадқиқотлар учун тахминан 3 млн АҚШ доллари маблағ зарур бўлади.

5) Ягона маълумотлар базасида геномга оид ахборотни қонунда белгилаб берилган сақлаш муддатлари ва асосларига риоя этилишини назорат қилиш механизми мавжуд эмас.

"Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Қонунда геном бўйича давлат рўйхатига олинган шахсларнинг ҳар бир тоифаси учун геномга оид ахборотни Ягона маълумотлар базасига киритиш асослари ва сақланishi муддатлари келтирилган [3]. Бироқ, биологик намуналар, электрон ёки қофозда чоп этилган кодли геномга оид ахборотлар (ДНК профиллари) ҳамда шахсий маълумотлар базада ҳеч бир таҳлилсиз ёки муддатсиз ёхуд асоссиз сақланса, муаммолар туғдиради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан 1950 йилдаги Инсон ҳуқуқлари ва унинг асосий эркинликлари ҳақидаги Конвенциянинг 8-моддаси талабларига зид равишда айбсиз шахсларнинг геномга оид ахборотни ноқонуний сақлаганлик учун Буюк Британия Ҳукумати айбдор деб топилиб, дарҳол бундай тоифадаги геномга оид ахборотларни базадан ўчириш ҳақида қарор қабул қилинган [4].



"Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Қонунда давлат суд-экспертиза муассасаси томонидан олинган геномга оид ахборот Ягона маълумотлар базасига юборилганидан сўнг, ихтиёрий равища геном бўйича давлат рўйхатидан ўтган шахсларнинг геномга оид ахбороти уларнинг аризаларига мувофиқ дарҳол ҳамда оқланган шахсларнинг геномга оид ахбороти ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг йўқ қилиниши, қолган ҳолларда геномга оид ахборотни сақлаш муддатлари якунига етанидан сўнг йўқ қилиниши қайд этилган [3].

Аммо, мазкур қонунда геном бўйича давлат рўйхатига олинган шахсга нисбатан жиноят иши ёки унинг бир қисми реабилитация асосларига кўра тугатилган ҳолатларда қандай ҳарақат қилиши лозимлиги қайд этилмаган. Реабилитация асосларига кўра жиноят ишининг бир қисми тугатилган шахс оқланган шахс каби ҳеч қандай жиноят содир этмаган ҳисобланади ва унинг геномга оид ахбороти Ягона маълумотлар базасидан ўчирилиши мақсадга мувофиқ.



6

6) Геномга оид ахборотни давлат рўйхатига олишда хатоликка йўл қўйиш ёки қалбакилаштириш.

Мутахассис ёки бошқа мансабдор шахс томонидан биологик материални олишдаууни бошқа шахснинг ДНКси билан аралаштириб юбориши, олинган биологик материални кимга тегишли эканлигини биологик материалнинг ахборот картасида нотўғри кўрсатилиши, биологик материалдан геномга оид ахборотни олишда хатоликларга йўл қўйилиши натижасида базадаги маълумотларнинг нотўғрилигига ҳамда ишга алоқаси бўлмаган шахсларнинг гумон қилинишига ёки айбланишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, агар юқоридаги хатоликлар атайин содир этилса, у ҳолда мазкур муаммо ҳуқуқий муаммога айланади ва унга нисбатан далилларни қалбакилаштириш бўйича тегишли чора кўришни талаб қиласди.

Бу борада исроиллик олимлар 2009 йилда "ДНК" базасидаги ДНК профили ҳақидаги маълумотга эга бўлган шахс ушбу ДНКнинг эгаси бўлган шахсдан биологик материални олмасдан туриб, базадаги ДНК-профил билан айнан бўлган ДНК-профилини сунъий равишда яратишлари мумкин"лигини исботлаб, шу аснода жиноят жойида сўлак, қон каби биологик материалларни сунъий равишда қолдириб, далилларни қалбакилаштириш мумкинлигини исботлаб берганлар [5].

Шу билан бирга, бошқа шахсга тааллуқли бўлган сўлак ёки қон намуналарини ҳодиса жойига ташлаб қўйиш ҳолатларини ҳам истисно этиб бўлмайди.

7

7) Геном бўйича давлат рўйхатига олишдаги муаммолардан яна бири бундай базаларни самарали фаолият кўрсатиши учун хавфсиз техник шароитларни яратиш ҳисобланади.

Бунинг учун геном бўйича давлат рўйхатига олиш тизими, дастурий таъминот, компьютер техникиси ва ҳимояланган алоқа каналлари мавжуд бўлиши, геномга оид ахборотни олиш имконини берувчи ускуналар тезлик ва аниқлик жиҳатидан барча талабларга жавоб бериши, асосийси, улар геномга оид ахборотнинг "ташқари"га чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида ташқи таъсирлардан, хусусан киберҳужумлардан ишончли ҳимояланган бўлиши зарур.

8

8) Ваколатли давлат органларининг геном бўйича мажбурий равишида давлат рўйхатига олиниши лозим бўлган шахсларни тўлиқ рўйхатга олмасликлари яна бир муаммолардан бири бўлиб, хорижий давлатларнинг амалиётида учраган.

Мисол учун, РФнинг Кемерово вилояти Кемерово шаҳри Завод тумани судининг 22-сонли Жазони ижро этиш муассасасидан бўшатилган 97 нафар маҳкумнинг 10 нафаридан РФнинг "Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Федерал Конуни талабларига зид равишида



9

биологик материал олинмаганлиги ва базага киритиш учун экспертиза муасасасига юборилмаганлиги юзасидан вилоят прокуратураси томонидан киритилган даъво аризасига мувофиқ барча маҳкумларнинг геномга оид ахбороти мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши ҳақида қарори чиқарилиб, унинг ижроси таъминланишига эришилган [1, 135-6.].

Мазкур муаммо, Қонунда белгиланган тоифадаги шахсларнинг геномга оид ахборотини тўлиқ рўйхатга олинганлигини текшириш механизмлари мавжуд эмаслиги сабабли юзага келган. Мазкур механизмлар автоматлаштирилмаган тақдирда, "инсон омили"га боғланиб қолиб, унинг самарадорлиги пасайишига олиб келади.


9) Геномга оид ахборотнинг учинчи шахслар қўлига тушиши. Маълумки, сўнгги вақтларда хорижий давлатларнинг хусусий секторида фаолият кўрсатувчи компаниялар томонидан фуқароларга уларнинг ноёб хусусиятлари, иқтидори, соғлиғидаги муаммолари ва касалликка мойилликлари, зарарли одатларнинг маркерларини ДНК-тестдан ўтказиш йўли билан аниқлаш тобора урфга айланиб бормоқда. Бунинг учун улар ихтиёрий равишда ДНК-тестдан ўтмоқдалар ва уларнинг тест натижалари учинчи шахслар қўлига, яъни "ташқарига" чиқиб кетиш хавфини юзага келтирмоқда. Тарихда номма-ном маълумотлари сақланган геномга оид ахборот базасининг учинчи шахслар қўлига тушиши билан боғлиқ мисоллар мавжуд.




ИСРОИЛЛИК ОЛИМЛАР 2009 ЙИЛДА “ДНК БАЗАСИДАГИ ДНК ПРОФИЛИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ШАХС УШБУ ДНКНИНГ ЭГАСИ БЎЛГАН ШАХСДАН БИОЛОГИК МАТЕРИАЛНИ ОЛМАСДАН ТУРИБ, БАЗАДАГИ ДНК-ПРОФИЛ БИЛАН АЙНАН БЎЛГАН ДНК-ПРОФИЛИНИ СУНЬИЙ РАВИШДА ЯРАТИШЛАРИ МУМКИН” лигини исботлаб, шу аснода жиноят жойида сўлак, қон каби биологик материалларни сунъий равишда қолдириб, далилларни қалбакилаштириш мумкинлигини исботлаб берганлар.

Жумладан, РФда шундай маълумот базаси қора бозорда пайдо бўлиши натижасида, рўйхатда келтирилган шахслар РФ Мудофаа вазирлигидан пенсия олишлари маълум бўлиб қолиб, натижада Собиқ Иттилоқ республикасидаги Россия резидентураси тўлиқ Россияга қайтарилишига сабаб бўлган. Мазкур базаларни сотиб олган контрразведкачилар Россия элчихонасидаги маданият атташеси РФ Мудофаа вазирлигидан пенсия олишидан хабар топганлар [6, 186-6.].

Бундан ташқари, сўнгги вақтларда дунёning кўплаб мамлакатларида ташкил этилаётган биологик лабораторияларнинг фаолияти шаффоф эмаслиги натижасида, у ерда амалга оширилаётган тадқиқотлардан ташвишланиш ҳолатлари кузатилмоқда.



Бундан ташқари, сўнгги вақтларда дунёning кўплаб мамлакатларида ташкил этилаётган биологик лабораторияларнинг фаолияти шаффоф эмаслиги натижасида, у ерда амалга оширилаётган тадқиқотлардан ташвишланиш ҳолатлари кузатилмоқда.



Масалан, Грузия, Украина ва бошқа Ҳамдүстлик давлатлари ҳудудида чет давлатлар ҳомийлигидә ташкил этилган биологик лабораторияларда вирусларни ўрганиш ниқоби остида биологик дастурлар амалга оширилмоқда. Бирок, ушбу дастурларнинг асл мақсади нима эканлиги шаффоғ эмаслиги жiddий хавотирларга сабаб бўлмоқда [7].

Бироқ биология ва тиббиёт соҳасидаги олимлар, мутахассисларнинг геномга оид ахборотдан фойдаланиб, биологик қурол ишлаб чиқиш мумкинлиги борасидаги фикрлари у қадар қатъий эмас. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, маълум бир миллат (халқ)нинг ДНК маълумотларини ўрганиш асосида этник биологик қурол яратиш имконияти сезиларли даражада бўрттирилган.

Хусусан, бундай ёндашув тарафдори бўлган Россия Фанлар Академияси Умумий генетика институти лаборатория раҳбари С.Киселёв генетик қурол яратиш жуда хавфли ва одамларни ўлдириш анъанавий усуллар билан осон, деб ҳисоблади: «... бундай қуролларни яратиш бефойда. Биринчидан, одамни ўлдириш учун ҳаёт учун муҳим бўлган нафас олиш, қон айланиши ва ҳоказо функцияларига таъсир кўрсатиш лозим. Улар эса оз ва улар барча одамларда бир хил бўлади. Этник жиҳатдан муҳим бўлган ҳаётий функцияни топишнинг эса деярли имконияти йўқ» [8].

Аммо бундай биологик қуролни бирор миллатга қарши яратиш мумкин эмаслигидан келиб чиқиб, уни бутун инсониятга қарши яратишга ҳеч бир шахс уринмайди деб ўйлаш ўта содда фикрлаш бўлиб, бу ҳолатни албатта инобатга олиш зарур. Бугунги кунда алоҳида миллатнинг ге-

номга оид ахборотидан фойдаланиб, унга қарши биологик қурол яратиш эҳтимоли юқори бўлмаган тақдирда ҳам, ушбу геномга оид ахборот эгасига нисбатан ғайриқонуний равища фойдаланиш имкони мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди.

Бу борада В.Дебабовнинг фикрича, тўлиқ бўлган инсон геноми ўзида турли касалликларга мойиллик ҳақидаги маълумотларни «сақлайди». Агар геномга оид ахборот иш берувчининг вакилларини қўлига тушса, демак, бунинг оқибатлари сифатида иш билан таъминлаш босқичида генетик хусусиятлар асосида дискриминациянинг кўпайиши ва кучайиши мумкин [9].

Хорижий давлатларда, хусусан, АҚШда Конгресс томонидан 2008 йилда “Генетик ахборотларга асосланиб, дискриминацияга йўл қўймаслик ҳақида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра ишга қабул қилишни ёки тиббий суғуртани расмийлаштиришни шахснинг генетик ахборотларга асосан рад қилиш маън этилган [10].

И.Аджунванинг фикрига кўра, генетик дискриминация бу инсонда бирор бир касаллик ёки ногиронлик белгилари на-моён бўлмасдан туриб, фақатгина унинг генетик структураси сабабли ўзига нисбатан бошқа шахслар томонидан негатив муносабатда бўлишдир [11].

Таъкидлаш лозимки, бундай фикрларни нафақат биология ва тиббиёт соҳасидаги мутахассислар, балки ҳуқуқ соҳаси билан шуғулланувчи кишилар ҳам билдирадилар.

Хусусан, Г.Б.Романовский, конституциядага белгиланган инсон ҳуқуқлари билан ривожланаётган биотехнологияларнинг корреляция муаммосини ҳисобга олган

ГРУЗИЯ, УКРАИНА ВА БОШҚА ҲАМДҮСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ

ҳудудида чет давлатлар ҳомийлигидә ташкил этилган биологик лабораторияларда вирусларни ўрганиш ниқоби остида биологик дастурлар амалга оширилмоқда. Бирок, ушбу дастурларнинг асл мақсади нима эканлиги шаффоғ эмаслиги жiddий хавотирларга сабаб бўлмоқда [7].



холда, генетик мойиллик ҳақида маълумот нафақат потенциал иш берувчилар томонидан ғайриқонуний равишда фойдаланилиши мумкин, деб, балки бошқа ташкилотлар ва муассасалар томонидан: суғурталовчилик - ҳаёт суғуртаси шартнома тузатгандан шарт-шароитлар ҳосил қилиш, банклар - пул ма-блағларини бериш имконияти ҳақида қарор қабул ва кредит шартномаси тузишда фойдаланилиши мумкин деб ҳисоблайди [12, 30-б.].

Генетик дискриминацияга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мисол учун, генетик тестдан ўтган аёл кўкрак бези саратони ривожланишига мойил деб топилган бўлса, фармацевтика ташкилотлари доимо унинг турли саратонга қарши ёки касаллик ривожланишини олдини оладиган дорилар таклиф этади, суғурта компаниялари ўз хизматларини тақдим этишни, банклар эса кредит беришни рад этадилар, иш берувчилар лавозимидан озод қилишлари ёки уни ишга олмасликлари мумкин.

Юқоридаги муаммо ва таҳдидларни инобатга олиб, қўйидаги чоралар кўрилиши мақсадга му-вофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, геномга оид ахборотнинг ягона маълумотлар базасига "тасодифий" шахсларни кириши ва ундаги маълумотлар билан ишлашини олдини олиш учун геном бўйича давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи давлат органлари ва муассасаларда геномга оид ахборотни давлат рўйхатига олишда иштирок этувчи бўлинманинг номи ва штат бирликлари, уларнинг вазифа ва функциялари, мажбуриятларини аниқ белгилаб берувчи бўйруқларни қабул қилиш лозим;

иккинчидан, геном бўйича давлат рўйхатига олинадиган шахслар тоифасини белгилашда жа-

моатчилик фикрини, ҲМҚОнинг криминалистик ахборотга бўлган эҳтиёжи ҳамда мазкур эҳтиёжни қондириш учун давлатнинг етарли даражада маблағ ажратса олиш қобилиятини, қолаверса, масаланинг ҳуқуқий ва ахлоқий томонларини чуқур ўргангандан ҳолда, рецидив жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни тўғри прогноз қилиш орқали геном бўйича давлат харажатларини мақбулластириш ва Ягона маълумотлар базаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

учинчидан, ягона маълумотлар базасида шахсларнинг геномга оид ахборотини асосиз равишда сақланишини олдини олиш мақсадида Ягона маълумотлар базасини Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказининг маълумотлар базаси билан интеграция қилган ҳолда, Шакл-1.1 (жиноят) ва Шакл-2 (шахс) статистик ҳисоб карточкалари орқали автоматик равишдатакъослаш тизимини йўлга кўйиш орқали назорат механизmlарини яратиш;

тўртингчидан, геном бўйича давлат рўйхатига олишда хатолик ва қалбакиластириш ҳолатларини олдини олиш учун биологик материалдан геномга оид ахборотни олган давлат суд-экспертига геномга оид ахборотнинг картасини тўлдириш мажбуриятини юкланиши орқали мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш;

бешинчидан, геномга оид ахборотдан ушбу геномга оид ахборот эгасини дискриминация қилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, "Геном бўйича дискриминацияга йўл қўйилмаслиги тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Дубов А. Б., Дьяков В. Г. Безопасность геномной информации: правовые аспекты международного и национального регулирования. Вестник университета имени О.Е.Кутафина. 4/2019 С.133
2. Музыченко П. Б. Актуальные проблемы теории и практики идентификации личности // Российская юстиция. 2014. № 9. С. 49–52. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=21961892>.
3. "Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида"ги Қонунга қаранг. // URL:<http://www.lex.uz>.
4. Application nos. 30562/04 and 30566/04, S and Marper v United Kingdom, ECHR Judgment of 4 December 2008. Электрон манба: <https://rm.coe.int/168067d216>
5. Pollack A. DNA Evidence Can Be Fabricated, Scientists Show // N.Y. Times (Aug. 17, 2009). Электрон манба:URL: <http://www.nytimes.com/2009/08/18/science/18 dna.html, archived at http://perma.cc/CS7L-ZHGJ>.
6. С.Н.Кубитович. ДНК как носитель информации неограниченного круга лиц.
7. Г.Онищенко: биолаборатории США в странах СНГ опасны — COVID показал, на что способны вирусы. Электрон манба: <https://e-cis.info/news/566/92233/>
8. Запад ищет оружие против генетического кода русских. Электрон манба: <http://svpressa.ru/world/article/185112/>
9. Золовкин С. Приведет ли создание базы ДНК в России к прорыву в раскрываемости преступлений? Электрон манба: <http://newsland.com/news/detail/id/215561>
10. Genetic Information Nondiscrimination Act of 2008, Pub. L. No 110—233, 122 Stat. 881 (codified in scattered sections of 26, 29, and 42 U.S.C.).
11. Ajunwa I. Genetic testing meets Big data: Tort and Contract Law issues // Ohio, State Law Journal. 2014. Vol 75:6. P. 1235.
12. Романовский Г.Б. Конституционные права человека и современные биотехнологии // Конституционное и муниципальное право. 2013. С.30



ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ

СИРИНИ ОШКОР ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БҮЙЧА СУРИШТИРУВ ОЛИБ БОРИШНИНГ УЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

FEATURES OF THE INVESTIGATION OF CRIMINAL CASES
RELATED TO THE DISCLOSURE OF THE SECRET OF ADOPTION



Шерзод Икрамов,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги университети Олий
таълимдан кейинги таълим факультети
докторанти, подполковник

Sherzod Ikramov
Doctoral student of the Faculty of
Postgraduate Education,
University of Public Security of the
Republic of Uzbekistan, lieutenant colonel

АННОТАЦИЯ. Мақолада фарзандликка олиш сирини ошкор этиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш услубиёти, тергов жараёнида суриштирувчининг амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар, фарзандликка олиш сирини ошкор этишнинг салбий оқибатлари баён этилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: "Васийлик ва ҳомийлик органи", фарзандликка олиш, Миллий гвардия, суриштирувчи, оила, етим бола, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола.

ANNOTATION. The article describes the methodology for investigating crimes related to the disclosure of the secret of adoption, the actions that the investigator must take during the investigation, as well as the negative consequences of disclosure of the secret of adoption.

KEY WORDS: «Guardianship and guardianship authority», adoption, National Guard, investigator, family, orphan child, child left without parental care.



*Етим болалар
ва ота-она
қарамоғидан маҳрум
бўлган болаларни
жойлаштириши
шаклларидан бири
бу фарзандликка
олишдир,*

Болалар ҳуқуқлари муаммолари, бугунги кунда, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Болалар ҳар бир халқнинг, ҳар бир давлатнинг келажагидир. Жамиятнинг келажаги эса давлат ўз ёш авлодига қандай ғамхўрлик қилишига боғлиқ. "Бола" ҳаёти давомида бола ҳуқуқларидан фойдаланади, аммо у вояга етгач бу ҳуқуқлардан уни фарзандлари ва набиралари фойдаланади. Бола ўз ота-онасининг меҳр-муруват кўрсатишига муҳтоҷ бўлса, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар эса давлат ва жамиятнинг қўллаб-кувватлашига муҳтоҷдирлар. Ҳозирда ер юзида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони турли сабаблар билан ортиб бормоқда. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, жаҳонда 140 миллиондан ортиқ етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар мавжуд[1].

Дунё бўйича болалар ҳуқуқи қай даражада таъминланадётганилиги ва давлатлар болалар ҳуқуқини таъминлашга қандай интилаётганилигини ўлчайдиган "KidsRight Indeks" халқаро рейтинги яратилиб, унга кўра боланинг яшаши, соғлиғи, таълим олиши, ҳимояланиши, болалар ҳуқуқи учун қулай муҳит яратиш каби мезонлар орқали давлатлар фаолиятига баҳо берилади. 2022 йилда ушбу рейтингда (Исландия - 1, Швеция - 2, Финландия - 3, Қозоғистон - 20, Туркманистон - 63, Россия - 92, Қирғизистон - 93, Тожикистон - 105) Ўзбекистон 182 та давлат орасида 88-уринни эгаллади[2].

Ушбу кўрсатгич мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганилигидан далолат бериб, ушбу йўналишда муҳим илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг "Янги Ўзбекистон стратегияси" номли асарида "Васийлик ва ҳомийлик тизимини ислоҳ қилиш йўли билан болаларнинг оиласида яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар-

ни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, бола ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар қоидаларини имплементация қилиш ва мазкур соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш"га [3] эришиш лозимлигини кўрсатиб ўтганилиги бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигидан далолат беради.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан бири бу фарзандликка олишдир, мамлакатимизда етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрьдаги "Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги 739-сонли қарори билан тасдиқланган "Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оиласига тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом" билан тартибга солинган [4].



Б

Болаларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари нуқтаи назаридан келиб чиқилса, фарзандликка олиш хусусан ўлим ёки ташлаб кетиш оқибатида ўз биологик ота-оналаридан умрбод ажralиб қолган болаларни доимий ва янги оила билан таъминлаш усули ҳисобланади. Фарзандларига ёмон ёки қўпол муомалада бўлганликлари туфайли ота-оналарнинг эркига зид тарзда оиласаридан ажратилган болаларни фарзандликка бериб юбориш қоида тариқасида масалани ҳал қилишнинг мақбул йўли сифатида тан олинмайди. Давлат ва жамиятнинг оиласи ҳимоя қилиши ва қўллаб қувватлаш мажбурияти бундай вазиятлар юзага келган тақдирда болага хавф solaётган муаммоларни ҳал қилиб, уларни ўзлари туғилиб ўсган оиласи бағрига қайтиши учун зарур ва имкони бўлган барча чора-тадбирларни кўриш демакдир.Faқатгина бу муаммоларни амалда ҳал қилишнинг ҳеч қандай имкони бўлмасагина, фарзандликка бериш масаласининг мақбуллиги кўриб чиқилиши керак [5].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекснинг 151-модасида "Фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка

олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади [6].

Мамлакатимизда етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бўлган эътибор доим давлат сиёсати даражасида бўлган. Айниқса, Янги Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатлами етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлашнинг янги тизими жорий қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августда "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5215-сон қарори билан оиласий болалар уйлари ва Болалар уйларига ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оиласи тарбияга олинган (патронат) етим болаларга (йигирма беш ёшга тўлмаган) Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчи ва ходимлари биритирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августандиги "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6275-сон




Болаларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари нуқтаи назаридан келиб чиқилса, фарзандликка олиш хусусан ўлим ёки ташлаб кетиш оқибатида ўз биологик ота-оналаридан умрбод ажralиб қолган болаларни доимий ва янги оила билан таъминлаш усули ҳисобланади.



Фаромни билан, "Шахсга доир маълумотларни сир сақлаган ҳолда талабгорлар учун васийлик ва ҳомийликка бериладиган болалар ҳақидаги маълумотларни онлайн олиш имкониятини яратилиб, фарзандликка олишни истовчи номзодларнинг электрон навбатини ишга туширилди".

Хукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг Миллий гвардия томонидан қисқа муддатда ижро этилиб, ижобий самара берайтганини қўйидаги статистик маълумотларда кўриш мумкин: 2023 йил 10 март ҳолатига, Республика-



Фарзандликка оловчилар сони фарзандликка олинувчилар сонидан кўп бўлсада, аммо етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишда бир қатор, яъни боланинг бошқа миллат вакили бўлгани, соғлиғида муаммолари борлиги ҳамда 10 ёшдан ошган болаларни фарзандликка беришда боланинг фикри инобатга олиниши, фарзандликка оловчи илгари судланмаган бўлиши каби муаммолар болани фарзандликка олишда ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

миздаги 21 та Мехрибонлик муассасаларидан 18 таси ўз фаолиятини (3 таси фаолият юритмоқда) тамомлаган бўлса, жами 2293 нафар тарбияланувчилар оиласари ва яқин қариндошларига топширилди [7].

Фарзандликка оловчилар сони фарзандликка олинувчилар сонидан кўп бўлсада, аммо етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишда бир қатор, яъни боланинг бошқа миллат вакили бўлгани, соғлиғида муаммолари борлиги ҳамда 10 ёшдан ошган болаларни фарзандликка беришда боланинг фикри инобатга олиниши, фарзандликка оловчи илгари судланмаган бўлиши каби муаммолар болани фарзандликка олишда ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, болаларни фарзандликка олиш тартиби анчагина мурак-

каблиги ва суд тартибида ҳал этилиши ҳамда бирократик тўсиқлар мавжудлиги сабабли, 2017-2021 йиллар мобайнида 206 та бола савдоси бўйича жиноий ҳолатлар аниқланган[8].

Шунингдек, Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотига кўра, 2017 йил 11 ойида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-кодекснинг 135-моддаси (одам савдоси) бўйича 279 та жиноятлар ишлари қўзғатилган бўлса, шундан 66 та ҳолат болалар савдоси билан боғлиқ. Мазкур жиноят ишлари бўйича 344 нафар шахслар жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, уларнинг 98 нафари айнан бола савдоси бўйичадир. Бола савдоси билан шуғулланган 98 нафар шахслар билан ўтказилган сўров давомида, уларнинг 58,1 фоизи бойиш мақсадида, 26,5 фоизи ўз айбини беркитиш мақсадида, 9,2 фоизи болани боқишига имконияти бўлмага-

ни сабабли, 6,1 фоиз шахслар бошқа мақсадларда содир этганликларини кўриш мумкин. Болаларни сотиш билан боғлиқ ҳолатларнинг аксарияти янги туғилган болаларни бир қатор сабабларга кўра ўз фарзандларига эга бўла олмайдиган шахсларга сотиш билан боғлиқдир [9].

Юқорида келтирилган рақамлардан фарзанд олишга муҳтоҷ юртдошларимизни аксарияти фарзанд олиш тартиби бўйича етарли маълумотга эга эмасликлари сабабли, жиноий йўл билан фарзанд олишгача бораётганиллари, албатта, ачинарли ҳолдир. Ёки бўлмаса, жойлардаги болаларни ҳимоя қилиш шуъба ходимлари томонидан фарзанд олиш ниятида бўлган юртдошларимизга етим бола ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни васийлик ёки ҳомийликка ёхуд болани тарбияга (патронатга) олишлари ҳамда оиласий болалар уйи ташкил этиб,



болаларни ўз фарзандлариdek вояга етгунларича боқиш ва тарбиялаш имкониятлари борлиги ҳамда бола вояга етгач у билан алоқаны давом эттириш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришлари лозим бўлади.

Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органинг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Фарзандликка олиш сирини ошкор этганлик учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 125-моддасида жиноят жавобгарлик белгиланган бўлиб, Ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотга кўра, республикамиз бўйича 2018 йил 5 та, 2019 йил 3 та, 2020 йил 3 та, 2021 йил 5 та жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилган [10].

Жиноят ишлари бўйича амалиёт материаллари ўрганилганда, фарзандликка олиш сирни фуқароларнинг ўзаро келишмовчилиги вақти, уруш жанжал жараёнида омма олдида ошкор этилишини кўриш мумкин.

А.А.Отажонов бошқа паст ниятлар деганда, "айбдорнинг боладан ёки фарзандликка олган шахслардан ўч олиш, уларни кўролмаслик, зарар етказишни хохлаш каби алоҳида аҳлоқсизлигидан далолат берувчи хулқ-атворда намоён бўлиши" тушунилишини баён этади [11]. А.А.Отажоновнинг фикрига қўшилган ҳолда, ҳақиқатда айбланувчи болани фарзандликка олинганлигини била туриб, фарзандликка олган шахс билан ўртасида адоват юзага келган вақти жаҳил устида, ўз ҳаракатларини бошқара олмай фарзандликка олиш сирини ошкор этиб юборади.

Фарзандликка олиш сирини ошкор этиш жинояти бошқа жиноятларга (ўғирлик, безорилик, талончилик, йўл ҳаракат қоидаларини бузиш) қараганда камроқ содир этилсада, афсуски ҳаётимизда учраб туради. Мазкур жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига кирсада, бежизга қонун чиқарувчи томонидан "фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш" айбли ижтимоий хавфли қилмишлар қаторига киритилмаган.

Профессор М.Х.Рустамбаевнинг фикрича объектив томондан жиноят фарзандликка олувчининг (мазкур шахслар вафот этган ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органларининг) розилигисиз фарзанд қилиб олинган ўғил ёки қиз бола ҳақидаги маълумотларни ошкор этиши, фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувлари китобидаги фарзандликка олувчилар боланинг қон-қариндоши эмаслигини англаш мумкин бўлган кўчирмаларни беришида ифодаланади.

Фарзандликка олиш ҳақидаги сир бир кишига ошкор қилинган пайтдан тамомланган жиноят ҳисобланиши, субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилиши, жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган фарзандликка олган инсоннинг ота-онаси, болалар муассасаси тарбиячилари, ўқитувчилари, эр-хотиндан биронтаси (бошқасининг хоҳишига зид келса) ҳам бўлиши мумкин [12].



Профессор М.Х.Рустамбаевнинг фикрига қўшилган ҳолда "Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш" бир қараганда оддий ҳолатдек бўлсада, бизнингча, сирни ошкор этилиши фарзандликка олинган боланинг руҳиятига катта салбий таъсир этади. Айниқса, бола 14 ёшдан катта бўлса, оқу-қорани, яхши-ёмонни ажратা оладиган вақтида уни боқиб, тарбия қилаётган ота-она уни ҳақиқий ота-онаси эмаслигини билиши оқибатида, келгусида у бир умр ҳақиқий ота-онаси ким эканлигини ўйлади, фарзандликка олган ота-оналар билан муносабати ўзгаради, оилада унга танбех бериладиган бўлса, кўнгли ўксиб, ўзини бегоналардек хис эта бошлайди, фарзандликка олганларга "мени ҳақиқий ота-онам ким", улар қаерда истиқомат қиласди, қачон фарзандликка олгансизлар, деган саволлар билан мурожаат эта бошлайди ва оиласдаги муҳит тубдан салбий томонга ўзгариб кетиши мумкин. Бундай ҳолат эса жиноий-хўкумий жиҳатдан оғир оқибат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг

125-моддаси 2-қисми "в" банди билан квалификация қилинади.

Фарзандликка олиш сирини ошкор этиш жиноят бўйича суриштирув ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 3812-моддасида, Ички ишлар органлари суриштирувчиларига тегишилиги белгиланган. Мазкур жиноятни тергов қилишининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, яъни "Фарзандликка олиш" сир ҳисобланганлиги сабабли, жиноят ишига дахлдор бўлган сирни

ошкор этилганлигини эшитган шахслар-нигина сўроқ қилиш керак бўлади.

Айтайлик, оила даврасида аёлларнинг ўзаро жанжаллашиши вақтида болани фарзандликка олиш сирни ошкор этилган бўлса, жанжалда иштирок этган 2-3 кишини гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, фарзандликка олган шахсни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиб, "жабрланувчи" деб тан олиш, фарзандликка олиш сирини ошкор этган шахсни ҳимоячи иштиrokerida гумон қилинувчи ва айланувчи тариқасида сўроқ қилиш лозим бўлади.

Мазкур жиноят ишини тергов қилишда фарзандликка олинган болани сўроқ қилмаслик мақсадга мувофиқ. Чунки, у жанжалда иштирок этмаган бўлиши ва сирни ошкор этилганлигидан бехабар бўлиши мумкин. Агарда жанжалда иштирок этиб, фарзандликка олинганлигидан хабар топган тақдирда ҳам фарзандликка олинганни тергов ва суд идорасига чақириб, унга "Сиз фарзандликка олинган экансиз", "Сизни асл ота-онангиз бошқа шахслар экан", деган мазмундаги саволларни бериб, сўроқ қилиш унинг руҳиятига таъсир этади. Шунинг учун, бизнингча, фарзандликка олинган болани тергов ва суд идораларига чақириб, у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларини ўтказиш лозим эмас.

Фарзандликка олиш сирини ошкор этиш жиноятини ўзига хос жиҳатларидан бири жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган суриштирувчи иш ҳужжатларидаги маълумотларни ошкор этмаслиги, у билан бирга бир хонада хизмат олиб бораёт-



Фарзандликка олиш сирини ошкор этиш жиноятини ўзига хос жиҳатларидан бири жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бораётган суриштирувчи иш ҳужжатларидаги маълумотларни ошкор этмаслиги, у билан бирга бир хонада хизмат олиб бораётган суриштирувчи ёки терговчи ҳам ишнинг мазмун-моҳиятидан хабар топмаслиги ҳамда хонада бошқа иш бўйича сўроқ қилинаётган шахслар ҳам боланинг фарзандликка олинганлигидан хабардор бўлмасликлари лозим.





Фарзандликка олиш сирини ошкор этиши билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда бир қатор ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар бор.

ган суриштирувчи ёки терговчи ҳам ишнинг мазмун-моҳиятидан хабар топмаслиги ҳамда хонада бошқа иш бўйича сўроқ қилинаётган шахслар ҳам боланинг фарзандликка олинганигидан хабардор бўлмасликлари лозим. Акс ҳолда фарзандликка олиш сирни бошқа шахсларга ҳам ошкор этилиши эҳтимоли бордир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фарзандликка олиш сирини ошкор этиши билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда бир қатор ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар бор. Булат, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 353-моддасида "Терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қиласлик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилҳат олиши мумкин"лиги кўрсатиб ўтилган.

Аммо, суриштирувчи фарзандликка олиш сирини ошкор этиши билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб бориши ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаётига (жинсий эркинликка қарши) оид ёки давлат сирлари билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини ўтказиш ваколатига эга бўлсада, жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги

маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этиш ваколати кўрсатиб ўтилмаганлиги, қонунчиликдаги бўшлиқдан далолат беради. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 461-боби "Суриштирувнинг умумий шартлари"га ўзгартиш ва қўшимча киритиш тақлиф этилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида "Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради", "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасида "Давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди", "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонуннинг 21 ва 33-моддаларида "Васий ва ҳомий ҳамда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахслар ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланishi" ўрнатилганилиги сабабли, фарзандликка олиш сирини ошкор этиши билан боғлиқ жиноят ишлари махфий ҳисобланishi лозимdir.

Хуоса ўрнида айтиш жоизки, фарзандликка олиш сирини ошкор этиши билан боғлиқ жиноят ишини тергов қилиш суриштирувчидан юксак ҳуқуқий билим, Жиноят-процессуал қонун нормаси талабларига қатъий риоя этиши ҳамда тергов жараённада фарзандликка олиш сирини ошкор этилишининг олдини олиш ҳамда фарзандликка олингандан шахсни руҳиятига салбий таъсир этмаслик чораларини кўришни талаб этади.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. https://www.unicef.org/media/media_45279.html.
2. <https://www.kidsrights.org/research/kidsrights-index>.
3. Мирзиёев Ш.М., Янги Ўзбекистон стратегияси. -Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2021, 464 бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги "Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 739-сонли Қарори., <https://lex.uz/docs/5117079> - мурожаат санаси 13.02.2023 йил.
5. Болаларни ҳимоя қилиш (Парламент аъзолари учун қўлланма) Муаллифлик хуқуқи: Парламентлараро иттифоқ ва Юнисефга тегишли "Konsauditinform-Nashr" нашриёти, 2006, 208 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси., URL <https://lex.uz/docs/104720> - мурожаат санаси 08.02.2023 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси URL:<https://mehribonlik.uz/> сайти - мурожаат санаси 23.02.2023 йил.
8. Milliy gvardiya qo'mondoni: "Yillab navbatda turish odamlarni bola sotib olishga majbur qilmoqda" Атаджанов Азамат Юсупбаевич. daryo.uz/2021/10/20/yillab-navbatda-turish-fuqarolarni-bola-sotib-olishga-majbur-qilmoqda-milliy-gvardiya-qomondoni-rustam-jorayev-bola-asrab-olishdagi-muammolar-haqida/ Мурожаат санаси 16.09.2022 йил.
9. БМТнинг 44-сессияси ҳисоботидан https://tbinternet.ohchr.org/Treaties/CRC/Shared%20Documents/UZB/CRC_C_UZB_5_7345_R.doc – мурожаат санаси 18.09.2022 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 30 март кунидаги № 7/9-1032 сон маълумоти.
11. Отажонов А.А., Шахсга қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012, 294 б.
12. Рустамбаев М.Х., Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Махсус қисм. Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. -Т.:Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. - 412 бет.





Акмал Азимов,
Хуқуқни муҳофаза қилиш
академияси мұстакіл
тәдқиқотчысы Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратурасы
бошқарма прокурори

Akmal Azimov,
Law enforcement academy
independent researcher prosecutor
of the department General
Prosecutor's Office of the Republic of
Uzbekistan



ПРОКУРОР-ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИГА

KPI

KPI

ТИЗИМИНИ
ЖОРЙ ҚИЛИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

IMPLEMENTATION PROSPECTS OF THE
KPI SYSTEM INTO THE ACTIVITIES OF
PROSECUTORIAL-INVESTIGATIVE BODIES' STAFF



АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада прокурор-тергов органлари ходимларининг фаолиятига КПИ тизимини жорий қилиш масалалари илмий таҳлил қилинган. Унда аввало, КПИ тизимининг моҳияти, унинг илмий-назарий асослари очиб берилган. КПИ тизимини жорий этишга оид хорижий тажриба ўрганилган. Ўзбекистонда давлат органлари фаолияти самарадорлигини кучайтиришга оид ислоҳотлар, уларнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Прокуратура органлари ходимлари фаолиятига мазкур механазмни жорий этиш истиқболлари ҳақида таклиф ва тавсиялар илгари сурйилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: КПИ тизими, прокуратура, давлат органлари, ходимлар, фаолият самарадорлиги, баҳолаш тизими, мезонлар.

Дунёда ҳар бир давлат органи фаолиятининг самарадорлигига кўра баҳо бериш, самарадорлик мезонларини шакллантириш тенденцияси кучайиб бормоқда. Аввало, иқтисодий соҳада фаолият олиб борган ишлаб чиқариш корхоналарида, нодавлат ва бизнес секторида самарадорликни баҳолаш тизими жорий этилган бўлса, ҳозирга келиб у барча давлат органлари, унда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходим ишини кўрсатишнинг муҳим мезонига айланмоқда.



Мамлакатни жадал ривожлантириш, унинг стратегик мақсадларини амалга оширишнинг муҳим омили бўлган давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган рағбатлантириш тизимининг шаффолигини таъминлашда замонавий баҳолаш тизимларини татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундай тизимлардан бири КПИ (key performance indicator) тизими. КПИ – бошқарув жараёнида ташкилот ва ходимлар мақсад-

ларини белгилашга, белгиланган мақсадга эришилганлик даражасини таснифловчи, ташкилот ва ходимлар ўз салоҳиятини таҳлил қилиш ҳамда самарадорликни ошириш ва уни назорат қилиш имкониятини берувчи тизимdir [1].

Самарадорлик ҳақида фикр юритганда аксарият олимлар буни иқтисодий асосларини таҳлил қиласидилар. Масалан, профессор Д.Тожибоева мазкур масаланинг классик ва маржинал ёндашувлар асосида таҳлил қилиб, ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, янги назариялар яратиш зарурати мавжудлигини қайд этади [2, -Б. 14.]. Фикримизча, бунда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, маънавий-руҳий ҳолатларни ҳисобга оладиган самарали бошқарув усули назарда тутилган. Бу айнан давлат органлари, хусусан, прокурор-тергов органлари учун ҳам тегишлидир.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларнинг гигант компаниялари, корхоналари ва ташкилотларида жорий этилган ҳамда ўз самарадорлиги билан бошқарувнинг бошқа технологияларидан фарқланувчи энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) тизими Ўзбекистонда ҳам татбиқ этила бошланди.



Бугунги кунда барча ривожланган давлатларнинг гигант компаниялари, корхоналари ва ташкилотларида жорий этилган ҳамда ўз самарадорлиги билан бошқарувнинг бошқа технологияларидан фарқланувчи энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) тизими Ўзбекистонда ҳам татбиқ этила бошланди.



компаниялари, корхоналари ва ташкилотларида жорий этилган ҳамда ўз самарадорлиги билан бошқарувнинг бошқа технологияларидан фарқланувчи энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) тизими Узбекистонда ҳам татбиқ этила бошланди.

Шу ўринда ҳақли савол пайдо бўлади: Прокурор-тергов орғанлари ходимлари фаолиятига ҳам KPI тизимини жорий этиш мумкинми? Мазкур мақола орқали KPI тизимининг моҳияти, унинг асосий мезонлари, давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш йўналишлари ҳақида хорижий давлатлар тажрибалари асосида таҳлил қиласиз.

Умуман, давлат хизматчиси фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими қўйидаги асосий функциялар билан чамбарчас боғлиқ:

1. Режалаштириш: амалга оширилган ишларни баҳолаш орқали ташкилот учун талаб этиладиган ходимлар салоҳияти ва эҳтиёжларини аниқлаш.

2. Ходимларни ёллаш: ходимларни баҳолаш ташкилотда янги ходимларни жалб қилиш ва танлаш усусларини қанчалик самарали эканлигини кўрсатиш.

3. Кадрларни ўқитиш: ходимларнинг малака оширишга қанчалик эҳтиёжлари мавжудлигини аниқлайди ва амалдаги ўқув дастурларининг самарадорлигини белгилаш.

4. Кадрлар захирасини шакллантириш: ташкилот ёки компания ходимларининг меҳнат фаолияти натижасини баҳолаш орқали кадрлар захирасини шакллантириш.

5. Ходимлар фаолиятининг таҳлили: ходимларни баҳолаш

орқали маълум бир ташкилот ёки компания ходимларининг меҳнатни баҳолаш учун тегишли стандартлар ва кўрсаткичларни аниқлаш имконини берувчи мезонларни ишлаб чиқариш.

6. Ходимларнинг касбий ва интеллектуал ривожланиши: ходимларнинг иш салоҳияти қай дараҷада эканлигини кўрсатиб бериш.

7. Моддий ва номоддий рағбатлантириш тизими: мотивация тизимларининг самарадорлигини ошириш ҳамда янги методлар жорий қилиш имконини бериши [3, – Б.32].

KPI тизими жорий этилгунига қадар кўплаб ғарб мамлакатларида давлат хизматчиларини моддий рағбатлантириш улар эгаллаб турган лавозимига боғлиқ эди. Уларни мотивациялаш эса фақат хизмат пиллапоясидан ўсиш учун шароит яратишдан иборат эди.



X

Одимнинг лавозимдан лавозимга ўтиши эса ходимнинг давлат хизматида неча йилдан бери фаолият юритаётганлиги билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, давлат хизматчиларининг ойлик маошлари тадбиркорлик соҳаси, бизнес вакиллари ойлик маошларидан анча паст эди, бу эса давлат хизматчилари фаолият самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлиб, кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқарап эди [4, – Б. 7].

Аслида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар учун яратилган KPI (Key Performance Indicator) - бу маълум бир фаолиятда ёки муайян мақсадларга эришиш йўлидаги муваффақият кўрсаткичидир. Айтишимиз мумкинки, KPI амалда эришилган натижаларнинг миқдорий жиҳатдан ўлчанадиган ва иш берувчилар томонидан ўз ходимларини баҳолайдиган кўрсаткич ҳисобланади.



Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) нафақат тижорат корхоналарида, балки давлат идораларида ҳам қўлланиши мумкин. Бу тизимдан узоқ вақтлардан бўён хорижий давлатларда фойдаланиб келинади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) нафақат тижорат корхоналарида, балки давлат идораларида ҳам қўлланиши мумкин. Бу тизимдан узоқ вақтлардан бўён хорижий давлатларда фойдаланиб келинади. Уз олдига электрон давлат хизматини ривожлантириш мақсадини қўйган Буюк Британия Вазирлар Маҳкамаси бунга мисол бўла олади. KPI тизимини ўз фаолиятига жорий этганидан сўнг, 2013 йилда Буюк Британияда 100 % хизматлар электрон кўринишда тақдим этила бошланган.

Давлат хизмати самарадорлигини баҳолашнинг янги усусларини жорий этишининг энг муваффақиятли намунлари сифатида Австралия, Канада, Янги Зелландия ва Голландия каби ривожланган давлатларни санаб ўтиш мумкин.

Австралияда давлат хизматини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи 90-йилларнинг биринчи ярмида ҳар бир вазирликка ўз дастурий мақсадларини белгилаш, йил якунларида эришилган ютуқлар ва натижалар тўғрисида ҳисобот тайёрлаш топшириғи берилиши билан бошланди. Вазирликларнинг





Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳокимликларда қарийб 300 та вазифа ва функция мавжудлиги, уларнинг 175 таси уларга хос эмаслиги ва бошқа идоралар функцияларини тақоррлаши, бу эса уларнинг фаолияти етарли даражада самарали эмаслиги ва ортиқча қоғозбозликлар мавжудлигидан далолат беришни таъкидлади.

бюджет сметалари амалга оширилган ишлар билан боғлиқ эди. Бу эса, давлат хизматчиларининг иш ҳақига таъсир кўрсатди. Юқори натижаларга эришиш ҳамда яхши иш ҳақига эга бўлиш учун давлат химатчилари ўз устида ишлашни бошлади. Бугунги кунда Австралияда, иш берувчи ва ходимлар ўзтасида тузилдиган шартномада самарадорликни баҳолаш мезонлари тобора кўпроқ киритиб борилади. Юқори мансабдаги раҳбарлар ўртасида тузилган бундай шартномаларда ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилади.

Голландия эса давлат хизматини ислоҳ қилиш жараёнида давлат секторининг самарадорликка асосланган молиявий тизимига тўлиқ ўтишига эришди. Давлат органлари ва уларнинг бўлимларининг иш самарадорлигини баҳолаш, улар кўрсатадиган хизматлар (ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар) ва сарфланган харажатлар нисбати асосида ҳисобланади.

КРІнинг бошқа тизимлардан фарқи шундаки, ҳар бир ходимнинг ишлаш кўрсаткичлари бутун ташкилотнинг умумий самарадорлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Биз тизимни давлат ташкилот ва корхоналарига, умуман олганда давлат бошқарув соҳасига тадбиқ этиш орқали бир-бирига зид келувчи, бир-бирини тақоррловчи фаолият соҳаларини қисқартиришга, ҳар бир давлат хизматчисининг умумий самарадорликка ўз ҳиссасини қўшишига, ташкилот миссиясига эришиш учун индивидуал равища ҳаракат қилишига ва натижада меҳнатига муносиб рағбатлантирилишига эришишимиз мумкин бўлади.

Давлат хизматчилари фаолиятига КРІни жорий қилиш улар учун фойдали бўлади. Давлат хизматчиси иш ҳақини қанча, нима учун ва қандай олишини, қайси ҳолатларда қўшимча устама ҳақлари билан рағбатлантирилиши ёки рағбатлантирилмаслиги ҳақида тушунчага эга бўлади. Ҳар бир ходимнинг лавозим доираси-

даги аниқ вазифалари ва уларнинг сифатли ва аниқ вақтда ижросини таъминлаш муддати бўлади. Энг асосийси ташкилот раҳбари доимий равиша белгиланган қатъий баҳолаш мезонлари ёрдамида ходимларининг фаолиятини кузатиб бора олади [5].

Ўзбекистонда ҳам давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сонли Фармонида мамлакатимизда давлат хизмати ва хизматчиси фаолиятини баҳолашда асос бўлувчи аниқ мезонлар ишлаб чиқиш ҳам ўрин олган.

Шунингдек, 2019 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамоилиларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб: маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг 11 та функция ва ваколатини тегишли давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларига ўтказиш; давлат органлари ва ташкилотлари томонидан фуқаролардан 32 турдаги ҳужжатлар талаб этилиши, шунингдек, уларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилиши таъқиқланди; 29 та идораларро ҳайъат органлари тутгатилди.



у билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳокимликларда қарийб 300 та вазифа ва функция мавжудлиги, уларнинг 175 таси уларга хос эмаслиги ва бошқа идоралар функцияларини такрорлаши, бу эса уларнинг фаолияти етарли даражада самараали эмаслиги ва ортиқча қоғозбозликлар мавжудлигидан далолат беришини таъкидлади. Мазкур ҳолат ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ошириш бўйича қилинадиган ишлар кўплигини кўрсатади.

Қолаверса, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ эркиnlари ва қонун устуворлигини таъминлаш масаласига жiddий эътибор қаратилаётган ҳозирги даврда прокуратура органлари фаолиятига ҳам самарадорлик мезонларини жорий этиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини тақомиллаштиришга эхтиёж мавжуд. Бу борада энг мураккаб масала, прокурор-тергов органларининг фаолият кўrsatkiчларини, хусусан, ходимлар фаолияти са-марадорлигини мезонларини аниқ белгилаб олиш билан боғлиқ. Чунки, прокуратура органлари давлат механизмида алоҳида ўринга эга.

Қолаверса, Ўзбекистонда прокуратура органларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ўзига хос. Прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан алоҳида фаолият олиб боради. Шунингдек, прокуратура фаолият моҳиятига кўра, ҳуқуқни мухофаза қилувчи орган ҳисобланади.

Шу жиҳатдан амалдаги қонун нормаларини ҳисобга олиб, прокуратура ходимларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Прокуратура фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланган қонунлар ижроси устидан назорат, жиноятчиликнинг олдини олиш, тергов фаолиятида баҳолаш мезонларини белгилаш жуда мураккаб. Мезонлар бироз нотўғри белгиланса, фаолият тескари йўналиш олиши, бошқа салбий



КРІнинг бошқа тизимлардан фарқи шундаки, ҳар бир ходимнинг ишлаш кўrsatkiчлари бутун ташкилотнинг умумий самарадорлик кўrsatkiчларига боғлиқ бўлади.

оқибатлар олиб келиши мумкин. Масалан, прокуратура ходими текширган ишлар сонига қараб тегишли балл ажратилса, ортиқча текширишлар кўпайиши ёки ишлаб чиқилган ҳужжатлар сонига қаралса, қоғозбозлик ортиши мумкин. Шунинг учун прокуратура органлари ходимларининг фаолиятига КРІ тизимини жорий қилиш жiddий тадқиқотларга таяниши зарур.

Бунда, прокурор назорати ҳужжатлари, терговга қадар текширув материаллари, жиноят ва маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ жараёнларни чукур таҳлил қилган ҳолда ушбу фаолиятга замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиб, рақамлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.



АҚШда вазирлик ва агентликлар раҳбарияти ходимларнинг индивидуал иш режаларини мустакил белгилайдилар. Давлат хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги мониторинги тузилган индивидуал режа асосида йил сўнгидага баҳоланади.



A

лбатта, мазкур жараён амалга ошиrsa бўладиган, яхши натижа берадиган фаолият ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, шунга ўхшаш тизимлар жорий этилганини кузатиш мумкин. Масалан, АҚШда ички ишлар органлари ходимлари фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилган.

АҚШда вазирлик ва агентликлар раҳбарияти ходимларнинг индивидуал иш режаларини мустақил белгилайдилар. Давлат хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги мониторинги тузилган индивидуал режа асосида йил сўнгига баҳоланади. Ҳар бир вазифа ижросининг муҳимлик даражалари асосида ҳисоблаб чиқилади [6, – Б. 22]. Хусусан, АҚШ Ички ишлар вазирлиги фаолият самарадорлигини баҳолашда қуидаги 5 та кўрсаткичдан фойдаланади: “қониқарсиз даражা”, “минимал қониқиш даражаси”, “белгиланган барча талабларга жавоб берувчи”, “юқори даражадаги натижалар”, “аъло даражаги натижалар”. Белгиланган режа ижросини баҳолаш юқоридаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади [7].

Албатта, ушбу кўрсаткичлар давлат хизматчисининг даражасидан келиб чиқсан ҳолда тузилади ва баҳоланади. Давлат хизматчилари ни баҳолаш натижалари давлат хизматчилари фаолияти самарадорли-



Прокуратура ходимларининг давлат хизматчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаштириб олиш зарур. Бунда 2022 йил ноябрь ойида кучга кирган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг З-моддасидаги нормалар ҳисобга олиниши зарур.

гини мониторинг қилувчи комиссия (Performance Review Board) томонидан кузатиб борилади. Бу каби комиссиялар ҳар бир ташкилотда мавжуд бўлиб, уларнинг қарори муҳим саналади. Агарда ходимда натижадорлик кўрстичлари йиғиндиси белгиланган вақт давомида “қониқарсиз” деб белгиланадиган бўлса, ташкилот раҳбари ходимни ишдан озод қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистонда ҳам юқоридаги илғор тажрибаларни чуқур қиёсий тахлил қилган ҳолда миллий тизимни шакллантириш мумкин. Хусусан, прокурор-тергов органлари ходимлари фаолиятини баҳолашда ҳам.

Фикримизча, бу борада қуидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилиши керак:

Биринчидан, прокуратура ходимларининг давлат хизматчиси сифатидаги ҳуқуқий мақомини аниқлаштириб олиш зарур. Бунда 2022 йил ноябрь ойида кучга кирган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбе-



кистон Республикаси қонунининг 3-моддасидаги нормалар ҳисобга олиниши зарур.

Иккинчидан, прокуратура органлари ходимлари фаолиятининг устувор йўналишлари, ваколат ва вазифалари, функционал мажбуриятлари энг муҳимлик даражасига кўра тўғри жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, прокуратура органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан боғлиқ фаолияти, айниқса, назорат, текширув, тергов, жавобгарлик ҳамда мурожаатлар билан ишлаш иуналишлари бўйича мезонлар мақсадли ишлаб чиқилиши керак.

Тўртинчидан, иш хажми ва натижадорликни баҳолаш, ходимларнинг ташаббускорлиги ва уларни амалга ошириш имконияти мутаносиблиги масаласига жиддий эътибор қаратиш.

Бешинчидан, фаолиятни рақамлаштириш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали қоғозбозликни, инсон омилини камайтириш. Бу орқали аҳолига, ходимларга қулайликлар яратиш.

Хулоса қилиб айтганда, прокурор-тергов органлари ходимлари фаолиятига KPI тизимини жорий этиш – ходимлар фаолиятини тўғри бошқариш, муносиб рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва тизим тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қиласди.



ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Office of Human Resources Management // URL:<https://www.commerce.gov>.
2. Тожибоева Д. Самарадорлик ва унга назарий жиҳатдан классик ва неоклассик ёндашув. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 5. октябрь, 2017 йил.
3. Лесина Т.В., Чернов Д.А. Ключевые показатели эффективности на службе. Эффективность работы госслужащих // Вестник Евразийской науки, 2018 №2.
4. Turakhujaeva Rano. Foreign experience in evaluating the performance of public servants. Journal of Social Studies. 2020, vol. 3, issue 5, pp.69-78
5. Мелиев О. Давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамон долзарб масала // Жizzax вилояти ҳокимлиги расмий веб сайти. www.jizzax.uz.
6. Guide to the Senior Executive Service. United States Office of Personnel Management. 2001. / URL:<http://www.jobs.bpa.gov/ses/OPMSESGUIDE>
7. <https://www.opm.gov/policy-data-oversight/senior-executive-service/>



АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада ўта оғир жиноят сифатида эътироф этилган айнан вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятларини тергов қилиш жараённида терговччи ва суриштирувчилар эътибор қаратиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар акс этирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: ички ишлар органлари, терговччи, айланувчи, криминоген вазият, қотиллик жиноятлари, вояга етмаган шахс.

ANNOTATION. This article reflects the most important aspects that investigators and inquirers should pay attention to during the investigation of homicide crimes committed by minors, which are recognized as extremely serious crimes.

Keywords: Internal affairs bodies, investigator, the accused, criminogenic situation, homicid crimes, minors.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК

ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ
ЭЪТИБОР ҚАРАТИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИҲАТЛАР

**ASPECTS THAT INVESTIGATIVE BODIES
SHOULD TAKE INTO CONSIDERATION WHILE
INVESTIGATING THE HOMICIDE CRIMES
COMMITTED BY MINORS**

**Хикматулла
Меҳмонов,**
Тергов департаменти
ЎМИБ терговчиси
мустақил изланувчи

**Hikmatulla
Mehmonov,**
*special investigator
of the Investigation
Department
in the MIA of the
Republic of Uzbekistan*





Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида - яшаш хуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий хуқуқидир, инсон хаётига сунқасд қилиш энг оғир жиноят эканлиги қайд этилган. Бугуннинг енг долзарб муаммоларидан саналган зўрлашнинг энг хавфли кўринишларидан бири бу қотилликдир. Унинг ижтимоий хавфлилиги жамиятга ва унинг алохига аъзоларига қабул қилиб бўлмас даражада таъсир кўрсатиши билан фарқланади.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа ҳудудий бюороси ўзининг "ўспириналар ва ёшлар томонидан совук қурол билан

садир этилган зўрлик ва жиноятлар ҳақида огоҳлантириш" мавзусидаги маъруzasида 2011 йилда Европа халқлари орасида вояга етмаган шахслар томонидан садир этилган қотиллик жиноятлари бўйича биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳақида ахборот берилган[1].

Вояга етмаганлар томонидан қотиллик жинояти ўзга жиноятларга нисбатан ҳар доим ҳам садир этилавермайди. Айнан шунинг учун ҳам бу турдаги жиноятларни ўта синчковлик билан тергов қилиш лозим, чунки бу турдаги жиноятларнинг садир этилиши ёш категорияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг криминоген ҳолати маълумотларига хос эмас. 2018 йилда вояга етмаганлар томонидан турли хилдаги жами 923 та жиноят садир этилган бўлиб, шундан 11 таси қотиллик жиноятлари (қотилликка сунқасд қилиш ҳам қамраб олади), бу вояга етмаганлар томонидан садир этилган жиноятларнинг 1,2 % ини ташкил этган. 2018 йилда 13 нафар ўспирин қотиллик жиноятига қўл урганлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тезкор маълумотлар бошқармаси маълумотларига кўра, республикамиз ҳудудида вояга етмаган шахслар томонидан садир этилган қотиллик жиноятлари 2007 йилда 48 тани ташкил этган бўлса, кўрилган чора тадбирлар натижасида бу йўналишдаги жиноятлар камайиб 2010 йилда 31 тани, 2018 йилга келиб эса 2007 йилдагига нисбатан 37 тага камайишига эришилиб, 11 тани ташкил этган, 2021 йилда эса вояга етмаганлар томонидан 1 та қотиллик жинояти қайд этилган. Бироқ вояга етмаган шахслар томонидан ўта оғир жиноят ҳисобланган қотилликка қўл урилиши ушбу кўрсаткини қониқарли деб бўлмайди.

Қотиллик масаласи(у ҳоҳ вояга етган шахс томонидан, ҳоҳ вояга етмаган шахс томонидан садир этилмасин) ушбу хавфли ҳодисани ҳар томонлама чуқур ўрганишдан далолат беради. Бизгача мазкур масалада илмий изланишлар олиб борган ҳар бир муаллиф қотилликларни ошкор қилиш ва тергов қилишнинг ҳар қандай янги жиҳатларини таклиф этишга ҳаракат қилишган, бошқа томондан, амалиётчилар учун енг мақбул усуслини танлаш муаммоси мавжуд.



T

Тақлиф қилинган усулларнинг кўплиги, Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 351-моддасига кўра “Дастлабки тергов жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим”лиги инобатга олинса, белгиланган муддатларда тергов олиб бориша терговчилар қотилликларни тергов қилиш бўйича барча мавжуд услубий тавсияларни ўрганиш учун жисмоний имкониятга эга емаслар. Бундай шароитда биз уни амалга оширишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, қотиллик ишларини ошкор қилиш, дастлабки тергов ва суд ишларини оптимальлаштиришда муҳим амалий ёрдам бериши мумкинлигига ишонамиз. Ушбу мақолада биз ушбу муаммонинг долзарблигини асослаш ва уни ҳал қилишнинг асосий йўналишларини кўрсатиш вазифасини қўйдик.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган қотиллик жиноятыни тергов қилиш методикаси жуда муҳим назарий ва амалий омилларни ўзининг ичига қамраб олади.

Терговчининг амалий фаолиятида вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятыни тергов қилишда қонунийлик тергов жараёнини объекти ҳисобланади.

Вояга етмаганлар томонидан қотиллик жиноятыни тергов қилишнинг қонунийлигини очиб берувчи хуқуқий, ташкилик ва тактик саволлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Вояга етмаган шахслар томонидан

қотиллик жиноятыни тергов қилиш нинг дастлабки босқичида методларни комплекс тадқиқ этиш ва уларни такомиллаштириш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади.

Иш жараёнида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, қўйидаги топшириқларни амалга ошириш лозим:

- вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятыни бўйича жиноят ишидаги аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни белгилаб олиш;

- ушбу категориядаги жиноятларнинг криминалистик характеристикасини таҳлил қилиш;

- вояга етмаганлар томонидан қасдан содир этилган қотиллик жиноятыни бўйича тергов вазиятларини кўриб чиқиш;

- илгари сурилган тусмолларни текширишда тергов ва ташкилотчилик режаларини тавсифлаш;

- вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятыни тергов қилишнинг биринчи босқичида амалга оширилаётган тактик операцияларни аниқлаш;

- гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш тактикасини очиш;

- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тартибини таҳлил қилиш;

- вояга етмаган шахслар томонидан қасдан содир этилган қотиллик жиноятыни тергов қилишда маҳсус билимларни қўллаш тартибини тавсифлаш.

Терговчи ёки суриштирув органи ҳодими учун жиноят ва унинг қонуниятлари ҳақида қанчалик кўп маълумот аён бўл-



ТЕРГОВЧИННИГ
АМАЛИЙ
ФАОЛИЯТИДА
ВОЯГА
ЕТМАГАНЛАР
ТОМОНИДАН
СОДИР ЭТИЛГАН
ҚОТИЛЛИК
ЖИНОЯТИНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШДА
ҚОНУНИЙЛИК
ТЕРГОВ
ЖАРАЁНИНИ
ОБЪЕКТИ
ҲИСОБЛАНАДИ.



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БҮЙЧА ЖИНОЯТ ИШИДАГИ АНИКЛАНИШИ ЛОЗИМ БҮЛГАН ҲОЛАТЛАРНИ БЕЛГИЛАБ ОЛИШ;



ИЛГАРИ СУРИЛГАН ТУСМОЛЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ТЕРГОВ ВА ТАШКИЛОТЧИЛИК РЕЖАЛАРИНИ ТАВСИФЛАШ

УШБУ КАТЕГОРИЯДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН ҚАСДДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТЛАРИ БҮЙЧА ТЕРГОВ ВАЗИЯТЛАРИНИ КҮРИБ ЧИКИШ

-КҮРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БҮЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ ТАРТИБИНІ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ



ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ, АЙБЛАНУВЧИНІ СУРОК ҚИЛИШ ТАКТИКАСИНИ ОЧИШ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАКТИК ОПЕРАЦИЯЛARI АНИҚЛАШ;

ИШ ЖАРАЁНИДА
ҚҮЙИЛГАН МАКСАДДАН
КЕЛИБ ЧИҚЫБ, УШБУ
ТОПШИРИҚЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ЛОЗИМ:



ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ҚАСДДАН СОДИР ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА МАХСУС БИЛИМЛАРНИ ҚҰЛЛАШ ТАРТИБИНІ ТАВСИФЛАШ

са, терговни ташкил қилиш, тергов вазиятига мос келадиган иш усулларини танлаш шунча осонроқ бўлади. Қотиллик содир етиш учун жиноий фаолият таркибиغا қуйидаги элементлар киради:

- 1) тажовуз обьекти;
- 2) тажовуз предмети;
- 3) жиноятчининг жисмоний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);
- 4) жиноятчининг ақлий фаолияти;
- 5) қотилнинг жиноий фаолиятининг оқибатлари [2];
- 6) қотиллик жойи;
- 7) қотиллик вақти.

Бу элементларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, бу бизга бирон-бир элементни таҳлил қилиш асосида қолганлари ҳақида хulosа чиқариш имконини беради. Қотилликларни аниқлаш, ошкор қилиш ва дастлабки тергов қилиш бўйича фаолиятнинг тузилиши қуйидаги ўзаро боғлиқ элементлар шаклида ифодаланиши мумкин:

- 1) аниқлаш, ошкор қилиш ва дастлабки тергов - обьекти;
- 2) субъект – терговчи, суриштирув органлари ходимлари, экспертлар, мутахассислар (уларнинг ақлий, жисмоний ва касбий фазилатлари);
- 3) терговчининг ҳаракатлари, суриштирувчининг аниқлаган маълумотлари, қотилликни ошкор қилиш ва тергов қилиш;
- 4) тергов олиб бориладиган психологик шароитлар;
- 5) қотилликни ошкор қилиш ва тергов қилиш учун моддий ва ташкилий шароитлар;
- 6) тергов жойи;
- 7) тергов вақти (масалан, қотилликни қисқа муддатдан кейин ошкор қилиш ва тергов қилиш).

Ушбу элементларнинг комбинацияси, бир томондан қотилликларнинг ўхшаш гуруҳларини аниқлашга, яъни уларни таснифлашга имкон беради, бошқа томондан, уларнинг ўзаро таъсири дастлабки тергов ва суд жараёнининг аниқ тергов вазиятларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Вояга етмаган шахслар томонидан турлича мотив ва усулларда содир этилган жиноий фаолиятни ўрганиш ушбу турли кўринишдаги жиноятнинг криминалистик тавсифини ишлаб чиқишида амалий роль ўйнайди.

Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 60-бобида вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юритишнинг умумий тартиби белгилаб берилган.

Масалан, айрим модда билан дастлабки терговнинг биринчи босқиҷида исбот қилиниши ва аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Умумий олганда, айланувчининг аниқ ёши (туғилган йили, ойи, куни), вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлик ҳолати (психик ҳолати ва бошқалар), унинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари ҳамда катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлиги, унга таъсир кўрсата олиши ёки олмаслигини аниқлаш лозим.



Вояга етмаган айбланувчининг шахсини ўрганиш асослари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- Жиноят содир этилишида унинг роли, айбнинг ва жавобгарликнинг даражасини аниқлаш;

- У ёки бу тезкор – қидирув тадбирларини, тергов ҳаракатларини ва экспертизани ўтказиш масаласини ҳал этиш;

- Жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

- Ўспириннинг ахлоқан тузалишига таъсир кўрсатиш ва бошқа профилактик ишларни белgilаб олиш.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки прокурорнинг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади, қонуний вакилга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлар тушунирилади[3].

Шуни унутмаслик керакки, бирламчи тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида, вояга етмаганга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш лозим. Ушбу ҳолатни аниқлаш шунчалик

муҳимки, вояга етмаганни сўроқ қилиш жараёнида қонуний вакилнинг иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, бироқ суд-ҳуқуқ амалиётида айнан қонуний вакиллар вояга етмаган шахсга жиноят содир этишга мажбурловчи босим ўтказганлик ҳолатлари ҳам учраган. Бу эса, шу каби шахсларнинг тергов ҳаракатларида иштирок этиши тергов ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатиб, айнан бирор-бир жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қиласди.

Бу каби вазиятларда, қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказади деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаганнинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва хомийлик органининг вакилига топширилади[4].

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига, вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида сўроқ қилишдан бошлаб суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок эти-

”

ВОЯГА
ЕТМАГАННИ
СЎРОҚ
КИЛИШ
ЖАРАЁНИДА
ҚОНУНИЙ
ВАКИЛНИНГ
ИШТИРОК
ЭТИШ
ҲУҚУҚИ
МАВЖУД



шини таъминлаш чорала-рини кўриши лозим, шу мақсадда вояга етмаган ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячи-ни таклиф этиш ҳуқуқига эга эканликлари тушун-тирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёки бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розили-ги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, тер-говчи ёки суд ишда ҳимо-ячи иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур[5].

Вояга етмаган гумон қи-линувчи ёки айбланувчи-ни шахсини чуқурроқ ўрганиш мақсадида тергов-

чи ёки прокурор ихтиёрига кўра педагог ёки психолог иштирокини таъминлаши мумкин. У терговчининг рухсати билан айбланув-чига саволлар беришга, сўроқ тугаганидан сўнг эса, сўроқ баённомаси билан танишиб, баённомадаги ёзувларнинг тўғрилиги ва мукаммаллиги ҳақида ўз фикрларини ёзма равишда беришга ҳақлидир.


Бироқ, россиялик олим-лар Россия Федерацияси-нинг жиноий процессуал қонунчилиги 420-моддаси учинчи қисмига "Вояга етмаганлар билан боғлиқ дастлабки терговни ва бо-шқа процессуал ҳаракатларни бажаришни ташкил

етиш ҷоғида суриштирув-чи, терговчи ва прокурор вояга етмаганнинг шахсини ўрганиш, у билан алоқа ўрнатиш, вояга етмаганга берилиши лозим бўлган саволларни тузиш, унинг кўрсатувларини қайд этиш, шунингдек вояга етмаган-нинг психологик шахсияти билан боғлиқ бошқа ижти-моий саволларни ечиш мақсадида шахсий ташаб-буси билан ушбу ҳаракат-ларда иштирок этиш учун психолог ёки педагогни жалб этиши мумкин"[6], деган таклифни илгари сурган.

Шу каби таклифлар жи-ноий – процессуал қонун-чилика қабул қилиниши вояга етмаган жиноятчи-лар билан яхши алоқа ўр-натиш, вояга етмаганнинг руҳий ҳолатини ҳар томон-лама ўрганиш, ушбу тур-даги жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширишда қўл келади.

Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган қотиллик жиноятларини тергов қилиш жараёнида, ҳодиса содир бўлган жой-ни кўздан кечириш тергов ҳаракатига ва ҳодиса содир бўлган жойда аниқлан-ган далилларга алоҳида ёндашиб, тергов ҳаракатини ЖПКнинг талаблари асосида ўтказиб, ҳар бир далилнинг баённомада акс эттирган ҳолда олиниши ҳамда келгусида эксперт текшируви жараёнида му-аммолар юзага келмаслиги учун қофоз халталарга(кон-верт) жойлаштирилиши, иштирокчилар томонидан тасдиқланиб муҳрланиши-ни қатъий назорат қилиш лозим. Тергов ҳаракатла-ри давомида иш бўйича тайинланган судга оид экспертиза текширувларининг бориш жараёнини назо-ратга олиб, хулосаларнинг илмий асосланганлигини таҳлил қилиш ҳамда кел-гусида далил сифатида эътироф этиш лозим.

Россиялик олимлар Россия Федерациясининг жиноий процессуал қонунчилиги 420-моддаси учинчи қисмига "Вояга етмаганлар билан боғлиқ дастлабки терговни ва бошқа процессуал ҳаракатларни бажаришни ташкил этиш ҷоғида суриштирувчи, терговчи ва прокурор вояга етмаганнинг шахсини ўрганиш, у билан алоқа ўрнатиш, вояга етмаганга берилиши лозим бўлган саволларни тузиш, унинг кўрсатувларини қайд этиш, шунингдек вояга етмаган-нинг психологик шахсияти билан боғлиқ бошқа ижти-моий саволларни ечиш мақсадида шахсий ташаб-буси билан ушбу ҳаракатларда иштирок этиш учун психолог ёки педагогни жалб этиши мумкин"[6], деган таклифни илгари сурган.



Жиноят иши бўйича ашёвий далилларнинг ўз вақтида ўрнатилган тартибда олинмаслиги, далилни бирор қути ёки халтага жойлаштириб, уни мухрлаб, ашёвий далилларни сақлаш хоналарида сақламаслиги, ҳамда ҳолатга эътиборсиз ёндашиши натижасида жиноятни иссиқ изидан очилмаслиги, жиноят учун жавобгарлик мезонларининг бузилиши ва шунга ўхшаш бошқа бир нечта муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган қотиллик жинояти билан боғлиқ жиноят ишлари ўрганилганда, таҳлиллар кўпчилик ҳолларда, мотивнинг жиноий-ҳуқуқий тузилишига тушиб қолган мотивсиз ҳаракатлар кўринишидаги психологик мотивлар мавжуд эканлигини кўрсатиб берган. Шу сабабли, тергов қилиш жараёнида психологик-ижтимоий экспертизани ўтказиш лозим, бу эса вояга етмаган шахс томонидан мустақил равишда қотиллик жиноятини содир эта олганлик ҳолатини аниqlаш имконини беради, шунингдек унинг жиноятни содир этишга алоқадор жиноий турӯҳдаги ўрнини белгилаб беради.

Ҳуқуқшунослар орасида шундай

фикрлар мавжудки, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишни режалаштириш мобайнида кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки айнан шу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида, вояга етмаган шахсга босим ўтказилиши, йўналтирувчи саволлар берилиши ёки гап ўргатиб турилиши мумкин.

Ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш жараёнида, унга алоҳида эътибор қаратишни давом эттириш керак, чунки жиноий-процессуал қонунчилик доим тўлдириб боришни назарда тутади. Шу сабабли тергов ҳаракатларини ўтказиш давомида турли даражадаги психололарни жиноят ишига жалб қилиб бориш лозим, чунки улар жиноятнинг чинакам ҳолатларни самарали фош этиб беришда қўйл келади.

Юқорида баён этилганларга хотима ўрнида вояга етмаганлар томонидан содир этилган қотиллик жиноятларини тергов қилиш ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги ва ушбу ҳолатларни тергов органлари доим инобатга олишлари зарурлиги хуносаса қилинади.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES:

1. "Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз" Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқи 06.11.2021// URL: <http://https://president.uz/uz/lists/view/4743> (Халқ сўзи, 26.12.2022).
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрь / <http://lex.uz/docs/111460>
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрь / <http://lex.uz/docs/111460>
5. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 №174-ФЗ (ред.от. 21.11.2022) <http://consultant.ru>
6. Адильяев С.И. Полиция в системе правоохранительных органов Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 32 с.
7. Алиуллов Р.Р. Механизм управления органами внутренних дел (вопросы теории, методологии и практики): Автореф. дисс. ... док-ра. юрид. наук. – М., 2004 – 48 с.
8. Густов Г.А. Проблемы методов научного познания в организации расследования преступлений: Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук в форме научного доклада, выполняющего также функции автореферата. М. 1993. – С. 17
9. Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09/ Кошелева И.С. – Саратов, 2006.-С.45
10. Гавло В.К. Теоретические проблемы и практика применения методики расследования отдельных видов преступлений. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 1985.
11. Гавло В.К. Расследование фактов безвестного исчезновения женщин при подозрении на их убийство: монография. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2006. 300с.
12. Густов Г.А. Проблемы методов научного познания в организации расследования преступлений: Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук в форме научного доклада, выполняющего также функции автореферата/ Г.А. Густов. – М.,1993. – 64 с.
13. Ищенко Е.П. Алгоритмизация следственной деятельности. – М.: Юрлитинформ, 2010. –304 с.
14. Колдин В.Я. Информационные процессы и структуры в криминалистике. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1985. – 134с.
15. Полевой Н.С. Криминалистическая кибернетика. – М.: Изд



МОЛ-МУЛКИ ХАТЛАШДА ИНСОФЛИ ЭГАЛИК ҚИЛУВЧИННИГ ҲАҚ ҲУҚУҚЛАРИ

**RIGHTS OF A BONA FIDE OWNER
WHEN SEIZING PROPERTY**

Аннотация. Мақолада иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларда етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларида амалга ошириладиган мол-мулкни хатлаш масалалари, ҳамда ундаги гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мол-мулкни хатлаш, хатлаш давомида инсофли эгалик қилувчининг мол-мулкига бўлган муносабатни Жиноят-процессуал кодексида янада мустаҳкамлаш масаласи кўриб чиқиб таҳлил қилинган, шунингдек, қай тартибда инсофли эгалик қилувчи мол-мулки хатланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳолатлари баён этилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: мулк, дахлсизлик, эгалик, мулқдор, фирибгарлик, талончилик, ўғрилик, қимматли қоғозлар, облигация, пуллар.

ANNOTATION. In the article, the issues of seizure of property, which is carried out in matters of compensation for property damage caused by crimes in the sphere of economy, as well as the question of seizure of the property of the suspect or the accused, and the issue of further strengthening the attitude towards the property of the honest owner during the seizure based on the Criminal Procedure Code, and the circumstances in which the property of the honest owner may or may not be seized are analyzed.

KEYWORDS: property, inviolability, possession, owner, fraud, robbery, theft, stock, bond, money.



**Кудрат Самандаров,
Ўзбекистон
Республикаси Ички
ишилар вазирлиги
Академияси мустақил
изланувчиси**

**Kudrat Samandarov,
Ministry of Internal
Affairs of the Republic of
Uzbekistan, Lieutenant
Colonel**



**амлакатимизда
ҳар қайси хусусий
мулқдорнинг қонуний
йўл билан қўлга
киритган мулкининг
дахлсизлигига асло
шубҳа қилмаслигини
таъминлайдиган
ишончли ҳуқуқий
кафолатлар тизими
яратилган.
Бинобарин, мулкнинг
эгаси бўлса, меҳнат
унумдорлиги бир
нечада маротаба
ортади. Мулқдорнинг
кайфияти, интилиши,
иш юритиши, ўз
фаолиятига, умуман,
ҳаётга муносабати
бошқача бўлади.
Мулк эгаси ўз ишини
яхшилашга, мулкига
мулк қўшишга ҳаракат
қиласди. Чунки
улар жамиятдаги
ўзгаришларга
бевосита дахлдор
бўлган қатламдир.**

Айримлар соғ, ҳалол йўл билан, ўзгалар ҳақидан қўрқсан ҳолда бу муносабатни ўрнатса, айримлар инсонларнинг соддалиги, ишонувчанигини суиистеъмол қиласди. Бундайларнинг ҳам жамиятда ўз номи бор: фирибгарлар ва товламачилар.

Мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминламасдан иқтисодий ривожланишига эришиш қийин. Бу Асосий Қонунимизда ҳам алоҳида белгиланган бўлиб, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ушбу меъёр мамлакатимизнинг бошқа бир қатор қонунларида ҳам акс этган. Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон аҳолиси қонунчиликда белгиланган меъёrlарга амал қилишлари шарт. Бироқ баъзи ҳудудларда қабул қилинаётган қонунларга риоя этмаслик ҳолатлари, афсуски, учраб турибди.

Кейинги вақтларда содир этилаётган жиноятлар орасида ўғрилик ва фирибгарлик ҳолатларининг салмоғи юқори-лигича қолмоқда. Бу турдаги жиноятларни олдини олиш ва бунга имкон яратган шарт-шароитлар таҳлил этилиб, аҳоли ўртасида мунтазам равишда муҳокамалар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳануз ўзгалар мулкини ўғирлаш, одамларни чув тушириш ҳолатлари рўй бермоқда. Ижтимоий турмушда инсонлар ўзаро бир-бирлари билан муомала қиласди, улар орасида турли хил муносабатлар ўрнатилади. Айримлар соғ, ҳалол йўл билан, ўзгалар ҳақидан қўрқсан ҳолда бу муносабатни ўрнатса, айримлар инсонларнинг соддалиги, ишонувчанигини суиистеъмол қиласди. Бундайларнинг ҳам жамиятда ўз номи бор: фирибгарлар ва товламачилар.

Ўзбекистон Жиноят кодексининг 168-моддасига кўра, ўзгани алдаш ёки унинг ишончини суиистеъмол қиласди. Фуқаролар пулларини ўз қўллари билан олиб келиб беради. Улар енгил бойиб кетиш, мулкка эгалик қилиш мақсадида шундай ҳаракатларни содир этишади. Фирибгарлар маълум бир соҳани эгаллаб, билимга эга бўлишади. Шунингдек, уларда актёrlик қобилияти ҳам бўлади. Шу сабабли фирибгарлик ақлли жиноятлар турига кириб, уни ақл-заковатли инсонлар содир этади.



Ж

Жиноят оқибатида етказлган мулкий зиённи қоплаш масаласи кўтарилгандага бугунги тергов амалиётида инсофли эгалик қилувчиларнинг ҳуқуқларида муаммолар юзага келмоқда. Инсофли эгалик қилувчи мақомига эга шасхнинг ўзи кимлиги, унинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги бўйича Жиноят процессуал кодексида норма берилмаганлигини ўзи ҳам қонунчиликдаги бўшилик ҳисобланади. Чунки ъбуғун амалиётда айнан учинчи шахслар сифатида инсофли эгалик қилувчилар масаласи юзага келмоқда. Етказилган мулкий зарарни қоплашда гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мулкини ёки жиноий йўллар билан топилган мулкларни хатлаб қўйиш масаласида бу иштирокчининг ҳақ ҳуқуқлари инобатга олинмаган. Лекин фуқаролик масалаларида яъни Фуқаролик кодексининг 229-моддасида "Мол-мулкни инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиш" деган норма киритилган бўлиб, унда - Агар мол-мулк уни бошقا шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкини берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.



Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган.

Фуқароларни мол-мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этмаслик ҳамда фақатгина жамоат эҳтиёжлари учун зарурий ҳолатларда тегишли тартибда мол-мулк қийматини қоплаш шарти билан ерларни олиш тартибини янада ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш мақсадида Конституциянинг 53(1) – моддасига «Ҳеч бир шахс ўз мол-мулкидан суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмас. Мулкни жамоат эҳтиёжлари учун мажбурий равища бошқа шахсга ўтказиш қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда ҳамда тартибда унинг ўрнини олдиндан ва teng қийматда қоплаш шарти билан амалга оширилиши мумкин» – деган нормани киритиш таклиф этилди.

Фикримизча, бундай норманинг киритилиши кела-жакда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини янада қўл-лаб-қувватлаш, мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини кучайтиришга катта турткি бўлади. Шунинг учун амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг мулки билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аҳолининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари дахлсизлигини кафолатлаш билан боғлиқ нормаларни конституция орқали мустаҳкамлаш зарур саналади.

2022 йилнинг 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан ерга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишига асос бўлган ҳужжатларни бекор қилиш орқали ерга бўлган ҳуқуқни тугатиш, мазкур ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши, ердан ихтиёрий воз кечишни Ҳукумат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш,



2022

**йилнинг 24 август куни
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг «Мулк
ҳуқуқининг дахлсизлигини
ишончли ҳимоя қилиш, мулкий
муносабатларга асоссиз
аралашувга йўл қўймаслик,
хусусий мулкнинг капиталлашув
даражасини ошириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги
Фармони қабул қилинди.**

юридик шахс тугатилиши билан унинг ерига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш каби қатор талаб ва чекловлар бекор қилинди. Шунингдек, турар жойга бўлган мулкий ҳуқуқларни амалга оширишда турар жойга нисбатан мулкий ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаганларни доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўtkazilgan пайтдан бошлаб 3 йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш бекор қилинди .

Шу ўринда яна бир норманинг миллий қонунчилигига мизда яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54 моддасида «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласи, ундан фойдаланиниш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт» эканлиги белгилаб қўйилганлигини таъкидлаш лозим.

Барчамизга маълумки, мулк ҳуқуқи — моддий неъматларнинг конкрет шахсларга тегишлилиги (ўзлаштирилганлиги)ни мустаҳкамловчи, тартибиға солувчи ва муҳр-фаза қилувчи нормалар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг асосий тарти-ботларидан бири. Ўзбекистон Республикаси ФХа кўра, Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мulkка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг Мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. ЎзР Конконституциясининг 36-моддасига биноан, «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли». Ўзбекистон иқти-содиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб баравар муҳофаза этилишини кафолатлади .

Фуқароларнинг мулкий дахлсизлигини қонун билан кафолатланган томонларига тўхталиб ўтишда яъни муҳим нормани такидлаш керак бўлади. Бу Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ қўлга киритган мол-мulkка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Ўзбекистон Республикаси «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар





хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш берилган бўлиб, унда мулкдор ўзига қарашли мол-мulkка ўз хоҳишига кўра ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасаррuf этади. Мулкдор ўз мол-мulkига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли. У ўз мол-мulkидан хўжалик фаолиятини ва қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши, уни бошқа шахсларга эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун текинга ёхуд ҳақ эвазига бериши мумкин. Мол-мulkдан фойдаланиш фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги керак лиги белгилаб қўйилган.

Тергов амалиётида фирибгарлик йўли билан бир шахсдан кўчмас мулкни сотиб олиб унинг пулини охиригача тўламасдан кўчмас мулкни бошқа шахсга тўлиқ пул миқдорини олган ҳолда ҳужжатларни нотариусдан тўғрилаб сотилган ҳолатлари бўйича даъво ишлари келиб тушмоқда. Лекин бу ҳолатлarda етказилган мулкни ундириш масаласи бўйича сотилган кўчмас мулкни учинчи шахсдан яъни инсофли эгалловчидан ундириш масаласи очиқ қолмоқда. Чунки, биринчи сотган шахс пулни тўлалигicha масаласи қўнишади. Чунки, инсофли эгалик қиливчи масаласи Жиноят процессуал кодексида кўрсатилган бўлишига қарамасдан мол-мulkни хатлаш масаласида очиқлигича туребди.

Процессуалист олим М.в. Соколованинг фикрича "мол-мulkни хатлашда пул, шунингдек, тақдим этилувчи қимматли қоғозлар инсофли харидордан талаб қилиниши мумкин эмас".

Бу борада терговчи ҳам худди шу каби асосни тасдиқлаши учун инсофли эгалловчининг мулкининг дахлсизлигини унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний таъминланишини ва гумон қилувчи ёки айбланувчининг қилмиши учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида бир исботланиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга ошириши лозим бўлади. Яъни, инсофли эгалловчи ҳақиқатдан шу мулкининг расмий эгаси эканлигини, ҳужжатларнинг қалбакилаштирилган ёки қалбакилаштирилмаганлигини, сотиб олган шахсга пулларни тўлиқ тақдим этганлигини.

Лекин, бу исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашадан кейин, мулкий зиённи қоплашда мол-мulkни хатлаш масаласини айнан инсофли эгалловчига ҳисобига ҳал

этиш масаласининг мол-мulkни хатлашда акс эттирилмаганилиги муаммоли вазият ҳисобланади. Чунки, уртада кўчмас мулкни сотиб, эвазига тўланиши лозим бўлган пулни тўлиқ олмаган шахснинг зарари турибди. Бу борада Республика тергов амалиётининг 2021-2022 йилги статистик маълумотини таҳлилига эътибор қаратиш жоиз. Хусусан, бир йиллик хатланган мол-мulk суммаси 201 876 893 сўмни ташкил этган бўлса, шундан 12 493 944 (46 та) сўмни ташкил этган, 6 087 949 сўмни эса ундирувга қаратилмаган маблағ ташкил этган. 2020 йилда жами 92 та, 2021 йилда 105 та, 2022 йилда 176 та мол-мulk хатланганини кўриш мумкин. Бу хатлаш йилдан йилга тергов жараёнлари учун самарали ҳаракат бўлиб бораётганини кўриш мумкин.

Мол-мulkни хатлаш масаласида қимматли қоғозлар масаласи ҳам борки, агар улар инсофли эгалик қиливчидан ноқонуний йўллар билан олиниб, қалбакилаштирилган



**2021-2022 ЙИЛГИ
СТАТИСТИК МАЪЛУМОТИНИ
ТАҲЛИЛИГА ЭЪТИБОР
КАРАТИШ ЖОИЗ. ХУСУСАН,
БИР ЙИЛЛИК ХАТЛАНГАН
МОЛ-МУЛК СУММАСИ 201
876 893 СЎМНИ ТАШКИЛ
ЭТГАН БЎЛСА, ШУНДАН
12 493 944 (46 ТА) СЎМНИ
ТАШКИЛ ЭТГАН, 6 087 949
СЎМНИ ЭСА УНДИРУВГА
ҚАРАТИЛМАГАН МАБЛАҒ
ТАШКИЛ ЭТГАН. 2020
ЙИЛДА ЖАМИ 92 ТА,
2021 ЙИЛДА 105 ТА, 2022
ЙИЛДА 176 ТА МОЛ-МУЛК
ХАТЛАНГАНИНИ КЎРИШ
МУМКИН.**



ҳолат билан бошқа шахсларга сотилган бўлса ёки мазкур қимматли қоғозлар жиноят объекти бўлиб ҳисобланадиган бўлса бу ҳолатда қимматли қоғозларни хатлаш ёхуд хатламаслик масалси олдинга чиқади. Сабаби Жиноят-процессуал кодексида қимматли қоғозлар хатланмаслиги кўрсатилган. Яъни мазкур кодекс 294-моддасининг 4 қисмида "Банк муассасаларида сақланётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиб қўйилмайди, лекин мол-мulk хатлангани тўғрисидаги қарорни ёки ажримни олиш биланоқ, уларни харжлаш операциялари тўхтатиб қўйилади" -деб белгиланган. Лекин қимматли қоғозлар жиноий йўллар билан топилганлигини аниқланса бу ҳолатда хатланиши мумкинлиги кўрсатилмаган. Процессуалист олимлар бу масала бўйича турили фикрларни билдирадилар. Шундай қилиб, Г.В.Аршбанинг сўзларига кўра, бу қимматли қоғозлар хатланмайди. Бошқа нуқтаи назардан В.Ю Петрикиннинг фикри ҳам қўллаб-куватлади, у ушбу турдаги қимматли қоғозларни инсофли харидордан, агар улар гумон қилинувчи, айланувчи томонидан сохталаштирилган ёки қонуний эгасининг мулкидан ўғирланган бўлса, хатлаш мумкинлигини таъкидлайди, кейин эса инсофли харидорга қайтарилилган.



**"ЖИНОЙ ЙУЛЛАР
БИЛАН ТОПИЛГАН БАНК
МУАССАСАЛАРИДА
САҚЛАНАЁТГАН
ПУЛЛАР, ШУНИНГДЕК
ДАВЛАТ ЗАЁМИ
ОБЛИГАЦИЯЛАРИ,
АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА
КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
ХАТЛАНИШИ ЛОЗИМ.
МУЛК ИНСОФЛИ
ХАРИДОРГА ТЕГИШЛИ
ХОЛАТЛАРДА
ҚАЙТАРИЛИШИ
ЛОЗИМ."**

Фикримизча, инсофли эгалик ҳуқуқини жиноят процессуал кодексининг мулкий зарарни ундиришда қўлланилиши лозим бўлган мол-мulkни хатлаш масаласида қонуний белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун Жиноят-процессуал кодексининг мол-мulkни хатлашга бағишиланган қисмига қўшимча тарзида қуйидаги таҳрирни киритиш лозим: "Жиноий йўллар билан топилган банк муассасаларида сақланнаётган пуллар, шунингдек давлат заёми облигациялари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар хатланиши лозим. Мулк инсофли харидорга тегишли ҳолатларда қайтарилиши лозим."

О.Е. Михайлуванинг сўзларига кўра, қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисидаги баённомада ушбу қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш керак, аммо бу талабни «эгаси» қимматли қоғозларига нисбатан қўллаши мумкин эмас, чунки мулк эгаси ушбу қимматли қоғозлар ушбу ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини кўрсатмайди. Бу фикри В.И.Ханжин ҳам қўллаб-куватлади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 116-моддаси 3-қисми 5-бандига биноан, қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисида баённома тузишида уларга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, бундай маълумотларга биринчи навбатда қимматли қоғознинг ўзи, қимматли қоғозлар эгалари реестридан кўчирма, қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини қайд этиш реестридан кўчирма, депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан кўчирма, қимматли қоғозларни





сотиб олиш тўғрисидаги шартнома, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқалар киради . Бу каби ҳужжатларни баённомага киритиш ҳам аҳамиятли, чунки, харидор мазкур қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлашда ўзининг инсофли эгалловчи эканлигинини ҳам кўрсатган ҳисобланади. Бу эса терговнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашида анчагина енгиллик ҳисобланади. "Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида"ги Узбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг қарорининг 11.2. бандига асосан:

* Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда судлар қўйидагиларни эътиборга олишлари лозим:

* мол-мулкка эгалик қилиш ҳалол ҳисобланади, агар мол-мулкка эгалик қилишнинг асослари ғайриқонуний бўлмаса;

* мол-мулкка эгалик қилиш ошкора ҳисобланади, агар шахс мол-мулк унинг эгалигида эканлигини яширмаса. Шахс томонидан мол-мулкни сақлаш учун қаратилган чораларнинг кўрилиши ушбу мол-мулкни яшириш ҳисобланмайди. Мазкур қарорнинг 13 бандига кўра агар мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса ёки мулк ҳуқуқини тасдиқлашнинг бошқа имконияти бўлса, бундай ҳолда даъво талабини қаноатлантириш рад қилинади.

Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларда низо мавжуд бўлиб, улар даъво тартибида кўрилади ва уларда тарафлар (даъвогар ва жавобгар), шунингдек лозим бўлганда учинчи шахслар ҳам иштирок этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишни судга қадар юритишида амалга ошириладиган мол-мулкни хатлаш амалиётидаги инсофли харидорлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида миллий қонунчилигимизда яъни жиноят-процессуал кодексининг мол-мулкни хатлашга оид нормаларида инсофли (харидор) эгалик қилувчи нормасини киритиш ва уни мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи, жиноий йўллар билан бойлик ортирувчиларни эса жавобгарликка тортишдаги яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Толиб Раҳматов. Ўзбекистонда фирибгарлик жиноятлари бир йилда икки баробарга кўпайди//<https://kun.uz/news/2020/09/28/ozbekistonda>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // https://nrm.uz/contentf?doc=9125_fuqarolik_kodeksi_
3. Холбеков А. Ҳусусий мулк даҳлсизлиги – қонун устуворлигининг муҳим кафолати//<https://strategy.uz/index.php?news=1598>
4. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mulk-huquqi-uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси "ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонун. 2012 йил 30 август.
6. Соколова М.В. Некоторые особенности наложения ареста на ценные бумаги на предъявителя, находящиеся у добросовестного приобретателя // Уголовное судопроизводство: стратегия развития: сборник научных трудов второй Всероссийской научно-практической конференции: научное электронное издание (2,10 МБ) - М.: Московский университет МВД России имени В.Я. Кикотя, 2018. - С. 199.
7. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. <https://lex.uz/acts/111460>
8. Аршба Г.В. Наложение ареста на имущество в уголовном судопроизводстве: дис. ...канд. юрид. наук: 12.00.09. / Г.В. Аршба. - Омск, 2004. - С. 125.
9. Петриkin B.YU. Обеспечение имущественных прав граждан при применении мер уголовно-процессуального принуждения: дис. ...канд. юрид. наук: 12.00.09. / B.YU. Петрикин. - Краснодар, 2007. - С. 100.
10. Михайлова О.Е. Иные меры процессуального принуждения в уголовном судопроизводстве России: дис. .канд. юрид. наук: 12.00.09. / O.E. Михайлова. - Краснодар, 2009. - С. 157.
11. Ханжин В.И. Уголовно-процессуальный порядок и организационно-тактические основы наложения ареста на имущество: дис. .канд. юрид. наук: 12.00.09. / В.И. Ханжин. - Москва, 2006. - С. 161.
12. О направлении Методических рекомендаций «Основания и порядок применения временного отстранения от должности, наложения ареста на имущество и ценные бумаги, денежного взыскания»: Письмо Генпрокуратуры РФ от 30.03.2004 № 36-12-04 // СПС «Консультант Плюс».
13. Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди пленумининг қарори.



Достон Эшқулов,
*ИИВ Малака ошириш институти,
Юридик фанлар кафедраси
кабинет бошлиғи*

Doston Eshqulov,
*Lecturer at the Department of
Legal Disciplines of the Institute for
Advanced Studies of the Ministry of
Internal Affairs*



ЎЗБЕКИСТОНДА АЙРИМ ЖИНОЙ- ПРОЦЕССУАЛ ВА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ

«Хабеас корпус» ИНСТИТУТИ МИҚЁСИДА ЎТКАЗИЛИШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**FEATURES OF CONDUCTING INDIVIDUAL CRIMINAL
PROCEDURAL AND INVESTIGATIVE ACTIONS IN UZBEKISTAN
ON THE SCALE OF THE HABEAS CORPUS INSTITUTE**

АННОТАЦИЯ. Мақолада айрим жиной-процессуал ва тергов ҳаракатларини “Хабеас корпус” институти миқёсида ўтказилишини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, “Хабеас корпус” институти-нинг тушунчаси, ушбу институттинг номалари миллий қонунчиликка татбиқ этилганлик масалалари кўриб чиқилади, шунингдек унинг самарали жиҳатлари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

КАЛИТ СҮЗЛАР: терговчи, тергов органи, тергов ҳаракатлари, “Хабеас корпус” институти, “Миранда қоидаси”, суд ҳокимияти, суд-ҳуқуқ тизими, демократик ҳуқуқий давлат, жиноят-процессуал қонунчилиги, айбсизлик презумпцияси, процессуал мажбурлов чоралари.

ANNOTATION. The article examines the concept of the habeas corpus institution, the implementation of the names of this institution in national legislation, based on the specifics of conducting some criminal procedural and investigative actions at the habeas corpus level. institutions, as well as focusing on its effective aspects.

KEY WORDS: investigator, investigative body, investigative actions, habeas corpus institution, Miranda rule, judiciary, legal system, democratic rule of law, criminal procedure law, presumption of innocence, measures of procedural coercion.



M

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манбаатлари муҳофазасини кучайтириш, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мухитини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим пойдевор бўлди, бу билан ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Албатта, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш – Ўзбекистоннинг пировард мақсади ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси – жамият ҳаётида чинакам қонун устуворлигини таъминлаш - ҳар қандай давлат учун, хусусан ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳимdir.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар

яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича қонун устуворлигини таъминлаш, суроширув ва дастлабки тергов соҳаларини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноят қонунчилиги, жиноятчиликка қарши курашиб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, бугунги кунда олиб борилаётган давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Ана шундай устувор йўналиш сифатида олиб борилаётган ислоҳотлар қаторида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев, „Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгаришларда „Хабеас корпус“ институтини ривожлантириш таклифини ҳам билдириди.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда, гумон қилинувчи шахс қўлга олингданда, унга ҳуқуқларини тушунтириш бўйича қоидани, «Миранда қоидаси» ва «Хабеас корпус» тамойилларини Конституцияда акс эттириш кераклигини, „Хабеас корпус“ институтини ривожлантириш зарурлигини, яъни, шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслигини», таъкидлаб ўтган.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ
БИЛАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН
2017-2021 ЙИЛЛАРДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШИНГ
ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА
ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ҲУҚУҚ
ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ
ИККИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ
СИФАТИДА БЕЛГИЛАНГАНИ
АЛОХИДА ЎРИНГА ЭГА
ҲИСОБЛАНАДИ.



Президент шунингдек, суд томонидан шахсни ҳибсга олиш ёки унга нисбатан бошқача турдаги озодликни чеклаш ҳақида қарор белгиланган муддатда қабул қилинмаса, бундай шахсни дарҳол озод қилиш кераклиги ҳақидаги нормани Конституцияда акс эттиришни таклиф этган[1].

“Хабеас корпус” бу - инглиз жиноят-процессуал ҳуқуқи институти бўлиб, шахс дахлсизлиги тамойили билан чамбарчас боғлиқ саналади, у англо-саксон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига ҳам киритилган. “Хабеас корпус”ни оддий тушунтирадиган бўлсак, унга кўра, қамоққа олинган шахс ёки унинг номидан бошқа бир фуқаро нима сабабдан ҳибсга олинаётгани ёки қамоққа олиш тўғрисидаги ҳужжат бўйича судга мурожаат қилиши ва ҳибсга олиш ёки ушлаб туришнинг қонунийлигини текшириш учун маълум суд қарорини талаб қилиши мумкин. Яъни гумон қилинувчи маълум сабаб билан ҳибсга олинганидан сўнг уни ушлаб туришлари қонунийлигини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Суднинг қарори бўлмаган тақдирда шахсни 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин бўлмайди.


“Хабеас корпус” бу - инглиз жиноят-процессуал ҳуқуқи институти бўлиб, шахс дахлсизлиги тамойили билан чамбарчас боғлиқ саналади, у англо-саксон ҳуқуқий оиласининг бошқа мамлакатлари ҳуқуқий тизимларига ҳам киритилган.

X

Хабеас корпус номи (хабере - «эга бўлмоқ» ва корпус - «тана» сўзларидан) лотинча *habeas corpus ad subjiciendum* иборасининг бир қисми бўлиб, «қўлга олинган шахс ҳақида судга тақдим этиш» маъносини билдиради[2].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тергов ва суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунга мисол қилиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш иккинчи устувор йўналиш сифатида белгилангани алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Чунки давлат ва жамиятни тубдан модернизация қилишда, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши самарали курашибиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун Узбекистонда барча соҳалар қатори тергов ва суд-ҳуқуқ йўналишида ҳам кенг кўлмали ишлар амалга оширилди. Яъни, “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш, бу билан суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш йўлга қўйилди.

Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ тизими соҳасига “Хабеас корпус” институти нормаларини киритилганлигини, бу борада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали фойдаси сифатида кўришимиз мумкин. Барчамизга маълум, жиноят-процессуал қонунчилигига



Хабеас корпус номи (хабере - «эга бўлмоқ» ва корпус - «тана» сўзларидан) лотинча *habeas corpus ad subjiciendum* иборасининг бир қисми бўлиб, «қўлга олинган шахс ҳақида судга тақдим этиш» маъносини билдиради[2].



“қамоқقا олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судларга утказилишида ҳам “Хабеас корпус” институти нормаларини миллий қонунчилликка янада изчил татбиқ этилганлигини, шунингдек суд-ҳуқуқ тизимида принципиал қадам бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу қарорга келишнинг асосий сабаби, “қамоқقا олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда, шахс ўзининг эркинлигидан маҳрум бўлади, шунда шахснинг озодлиги ва эркинлигидан маҳрум бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар албатта, суд жараёнида тортишув, ҳақиқатни аниқлаш, айбисизлик презумпцияси, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш каби тамойилларга асосланиб ишларни кўрилиши, инсонларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинганлигидан далолат беради. Яъни, шахсга нисбатан “қамоқقا олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси

2017
ЙИЛНИНГ ЎЗИДА
СУДЛАР ТОМОНИДАН
228 НАФАР ШАХСГА
НИСБАТАН ОКЛОВ
ҲУҚМЛАРИ
ЧИҚАРИЛДИ.

айнан суд томонидан қўлланилишида Конституциянинг 19-моддаси - Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. 25-моддаси - Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. 44-моддаси - Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади[3], деб белгилаб қўйилган нормаларни ижроси тергов ва суд босқичларида амалга оширилаётганлигини ва бу қоидаларга риоя қилинаётганлигини, айнан шу “Хабеас корпус” институти нормасини миллий қонунчилигимизга татбиқ этилганлигини ютуғи сифатида кўришимиз мумкин.

Аммо, шу билан бирга одил судловни таъминлаш бўйича ҳали ҳам охирига етиб бормаган масалалар бор, бунга мисол қилиб тергов органи томонидан айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида “қамоқقا олиш” қўлланилаётганда терговчи томонидан прокурор розилиги билан қамоқقا олиш тарзидаги



Эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор ва унга илова қилинган зарур материаллар судга тақдим этилади, сўнг суд томонидан фақатгина илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантирилмаслик масаласи кўриб чиқилади холос, лекин ана шу қамоққа олинаётган айбланувчи шахсни ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи далиллар бор ёки йўқлиги суд томонидан бевосита текширилмайди, шунинг учун ҳам қамоққа олинган шахсларнинг ишлари келгусида суд босқичида кўрилганда айримлари оқлангани, бунинг оқибатида дастлабки тергов босқичидан, то суд босқичига қадар ноҳақ қамоқда ушлаб турилганлигини, натижада инсон хуқуқлари бузилиши бўйича оғрикли ҳолатлар учраб келинаётганлигини кўришимиз мумкин. Албатта, бундай ҳолатда давлат томонидан ана шу шахслар айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиб, қамоқда ушлаб турилганлиги оқибатида унга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ўрни қоплаб берилишига олиб келинмоқда. Айнан мана шундай ҳолатлар бўйича хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, айрим чет эл давлатларида, олдин судьяга айбланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар тақдим этилади, ундан кейин суд томонидан далиллар бевосита текшириб чиқилади, сўнг айбланувчига нисбатан қамоққа олиш чораси кўрилади, шу йўл билан шахс ноҳақ қамоққа олиниши олди олинади.

Хозирги кунга келиб, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг масъулияти анча ошганлигини кузатишими мумкин. Мисол учун, фақатгина 2017 йилнинг ўзида судлар томонидан 228 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ваҳоланки, ундан олдинги йилларда камдан-кам ҳолларда шах-


**2021-2022 ЙИЛГИ СТАТИСТИК
МАЪЛУМОТИНИ ТАҲЛИЛИГА
ЭТЫБОР КАРАТИШ ЖОИЗ.
ХУСУСАН, БИР ЙИЛЛИК
ХАТЛАНГАН МОЛ-МУЛК СУММАСИ
201 876 893 СҮМНИ ТАШКИЛ
ЭТГАН БЎЛСА, ШУНДАН 12 493 944
(46 ТА) СҮМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН, 6
087 949 СҮМНИ ЭСА УНДИРУВГА
КАРАТИЛМАГАН МАБЛАҒ ТАШКИЛ
ЭТГАН. 2020 ЙИЛДА ЖАМИ 92 ТА,
2021 ЙИЛДА 105 ТА, 2022 ЙИЛДА
176 ТА МОЛ-МУЛК ХАТЛАНГАНИНИ
КЎРИШ МУМКИН.**


слар оқланган эди. Бир сўз билан айтганда, ўтган 5 йил давомида инсон хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини изчил ҳимоя қилиш борасида Ҳаракатлар стратегияси доирасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, мамлакатимизда тергов ва суд тизими замон талабига мос равишда тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бундан асосий мақсад, тергов ва суд фаолияти давомида инсон хуқуқларини ҳимоя қилишининг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Шунингдек, тергов ва суд-хуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштиришнинг туб мақсади, фуқаролар шахсий эркинлиги кафолатлари ҳақоний амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдир. Инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлизилигига бўлган муносабат, унинг хуқуқий ҳимояланганинг юқори даражаси – мамлакатимизда тергов органи ва суд ҳокимиятида шахс хуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш функциясини самарали амалга ошираётганлигига куринади.

Мамлакатимизда “Хабеас корпус” институти нормаси миллий қонунчиликка татбиқ этилиб, ўзининг самарасини берib келаётганлиги учун ҳам 2022 йил 20 декабрь куни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида бунга алоҳида тўхталиб, ўз мурожаатида “қисқа муддатда хуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади. Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтуб ўtkазиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ва мол-мulkни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноята алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлизилигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қиляпмизми?. Бундан буён мулк хуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.





Давлатимиз раҳбари
Ш.М.Мирзиёев
конституциявий комиссия
аъзолари билан учрашувда,
гумон қилинуви шахс
қўлга олинганда, унга
хуқуқларини тушунтириш
бунича қоидани, «Миронда
қоидаси» ва «Хабеас
корпус» тамойилларини
Конституцияда акс эттириш
кераклигини, «Хабеас
корпус» институтини
ривожлантириш
зарурлигини, яъни, шахс
суднинг қарорига қадар кўпи
билан қирқ саккиз соатдан
ортиқ ушлаб турилиши
мумкин эмаслигини»,
таъкидлаб ўтган.

Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак”[4] – деб таъкидлаб ўтганлари бежизга эмас.

Ҳозирги кунда амалда бўлган жиноят-процессуал қонунчилигига “Хабеас корпус” институтини нормаларини татбиқ этилганлигини таҳлил қиласиган бўлсак, “қамоқца олиш” ва “уй қамоғи” тарзидаги эҳтиёт чоралари, “почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш”, “мурдани эксгумация қилиш” тергов ҳаракатлари, ушлаб туриш юзасидан “суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан қўшимча равища қирқ саккиз соатга узайтирилиши мумкинлиги”, “айбланувчи ёки судланувчи паспортининг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш”, “лавозимдан четлаштириш”, “шахсни тиббий муассасага жойлаштириш” процессуал мажбурлов чоралари[5] каби процессуал ҳаракатлар суд томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этилиши белгилаб қўйилган.

“Хабеас корпус” институтини миллий қонунчилигимизга татбиқ этилиши кераклиги юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилинганилиги, бугунги кунда ҳаётда ўз самарасини кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилгани фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро хуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормаларини амалга ошириш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур нормалар суд-хуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишнинг механизмларини янада такомиллаштириш, бу борада қонунчиликдаги айrim муаммоларни бартараф этишга, энг муҳими, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласиди.

Шунингдек, мамлакатимизда “Хабеас корпус” институтининг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/ REFERENCES:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/06/20/suspect/>.
2. <https://aniq.uz/yangiliklar/konstitusiyada-alohida-qayd-etilishi-rejalahtirilayotgan-xabeas-korpus-bu-qanday-norma>.
3. Узбекистон Республикаси Конституцияси – 2022 йил.
4. Узбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Узбекистон халқига мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь.
5. Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси - 2023 йил.



ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИ ҲАМДА ИЛМИЙ ТАХЛИЛИ

THE CONCEPT OF PUBLIC SECURITY AND ITS SCIENTIFIC ANALYSIS

Шохзодхон
Тұрахонов,
Узбекистон
Республикаси ИИВ
ТҚД ЖҚХ бўлим
бошлиги

Shokhzodkhon
Turakhonov,
Head of the CIS, OID of
the Ministry
of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan

Нодирбек
Абдурасулов,
Узбекистон
Республикаси ИИВ
Академияси мустақил
изланувчиси


Nodirbek Abdurasulov,
independent researcher,
Academy of the Ministry
of Internal Affairs
of the Republic of
Uzbekistan

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада, жамоат хавфсизлиги түшунчасини ёритиб беришга ҳаракат қилинган, шунингдек хорижий тадқиқотчиларни жамоат хавфсизлиги түшунчаси ҳақидаги фикрлари ўрганилиб таҳлил қилинган. Шу билан бирга, маҳаллий тадқиқотчиларни мазкур соҳада олиб бораётган илмий изланишлари ва эксперталарни фикрлари ёритилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, таҳдидалар, замонавий тадқиқотчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

ANNOTATION. This article attempts to clarify the concept of public security, as well as studied and analyzed the opinions of foreign researchers on the term public security. Also, scientific studies conducted by national researchers and the opinions of experts in this field are highlighted.

KEYWORDS: public safety, public order, threats, modern researchers, law enforcement agencies.



Жамоат хавфсизлиги юзасидан илмий изланишлар олиб борилар экан, энг аввало биз жамоат хавфсизлиги тушунчасини илмий таърифини ва ёндашувларни ўрганиб чиқишимиз лозим. Ҳозирги кунда “жамоат хавфсизлиги” тушунчаси юзасидан бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда, шунга қарамасдан “жамоат хавфсизлиги” ўзини долзарблигини йўқотмаганлиги учун илмий изланишларни сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Сўнг йилларда дунёning етакчи давлатлари орасида геосиёсий қарама-қаршиликни ортиб бориши, халқаро тартибни ўзгариб бораётганлиги ва минтақадаги вазият шунингдек мамлакатимиздаги ички аҳволни ҳисобга олган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз дастлаб илмий изланишлар орқали “жамоат хавфсизлиги” тушунчаси ўзида нималарни қамраб олиши аниқлаб олишимиз керак, чунки мазкур тушунчани ёритиш орқали биз жамоат хавфсизлигига путур етказиши мумкин бўлган асосий таҳдидларни аниқлаш орқали, уларни олдини олиш ва таъсир оқибатларни минималлаштиришимиз мумкин.

“Жамоат хавфсизлиги” тушунчасида юзасидан қарашлар турличадир, масалан, тадқиқотчи В.А.Мальцев юридик адабиётларни ўрганиб, жамоат хавфсизлигини миллий хавфсизликни таркибий қисми сифатида таърифлаган ва миллий хавфсизликни учта асосий турга ажратган-шахс, жамият ва давлат[1].

Илмий изланувчилар Ф.Т.Хакимов ва И.Р.Алижановлар Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ҳозирги замонда кенг қўлланишини қўйидаги З та сабабни келтирғанлар:

бириңидан, инсоният дуч келаётган умумбашарий муаммолар, жумладан: экологик муаммолар, пандемик касалликлар, радикализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси, наркотрафик каби трансмиллий жиноятлар ва бошқалар (мисол тариқасида Covid-19 коронавирус пандемияси);



иккинчидан, сўнгги йилларда тобора кучайиб ва географик кўлами кенгайиб бораётган рангли инқилоблар, давлат тўнтаришлари, оммавий тартибсизликлар (Сурия, Туркия, Ливия, Украина, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа давлатларда содир этилган рангли инқилоблар ва давлат тўнтаришга бўлган уринишлар);

учинчидан, оммавий миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг кенгайиб ҳамда тезлашиб бораётганилиги ҳам жиноятчиликнинг, хусусан унинг ҳалқаро уюшган шаклларининг кенгайиб боришига хизмат қилмоқда. Бундай вазиятда жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланётганилигидир[2].

Яна бир тадқиқотчи А.Ф.Жолдасов ўзини изланишларида оддий шароитларда, фавқулодда вазиятларда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги илмий ва амалий муаммоларнинг долзарблиги қўйдаги бир неча сабабларга кўра юзага келади деб ҳисоблаган, хусусан у

- жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқий тартиба солишнинг сифат жиҳатидан янги босқичига кўтарилаётганилиги, яъни у "идоравий ҳуқуқий тартиба солиш" деган қарашда намоён бўлаётганилиги ва қобиқдан чиққанлиги;

- давлат бошқаруви органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли субъектларнинг ҳаракатларини самарали амалга ошириш, муайян ҳудудда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан чеклаш чораларини қўллаш имконини берадиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича маҳсус чора тадбирларга "муҳтожлик" сезаётганилиги;

- фаолияти тегишли даражадаги хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини белгилайдиган обьектлар ва ҳудудлар тобора кўпайиб бораётганилиги, аҳоли хавфсизлигининг тегишли даражасини таъминлаш уларнинг

барқарор фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни яратишга ёрдам бериши;

- фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли органлар томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлар, бу давлат томонидан қўлланиладиган тегишли маъмурӣ-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳисобланиб, фавқулодда вазият доимо ижтимоий ҳаётнинг бекарорлашиши, унинг одатий ритмининг бузилиши билан бирга келиши, бу эса ўз навбатида ушбу чораларни қўллашни тақозо этиши таъкидлаб ўтган[3].

Тадқиқотчilarни фикрларини ўрганар эканмиз, шуни кўришимиз мумкинки, улар асосан чет эл тадқиқотчilarни илмий изланишларидан мисол келтироқдалар, лекин миллий тадқиқотчilarни айнан "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси тадқиқ қилганлilklari ҳақида бирон бир фикр бермаганлар.

Юқоридаги фикрлари исботи сифатида шуни қайд этишимиз мумкинки, тадқиқотчи А.Ф. Жолдасов ўзини тадқиқотларида "жамоат хавфсизлиги" тушунчасига таъриф берган бир қатор рус олимларини санаб ўтган булар С.И.Гирко, л.л.Попов, С.в.Степашин, И.Б.Григориев ва К.А.Григориевалар, шунингдек яна бир рус тадқиқотчиси Б.П. Кондрашовни "жамоат хавфсизлиги"га берган тарифни юқоридаги номлари келтирилган тадқиқотчilar томонидан берилган тарифларга нисбатан мукаммалроқ эканлигини таъкидлаган, тадқиқотчи Б.П.Кондрашов жамоат хавфсизлиги тушунчасига қуйидагича таъриф берган эди, яъни унинг фикрича "жамоат хавфсизлиги - бу нормаларга риоя қилиш ва амалга ошириш натижасида шаклланадиган ижтимоий-ҳуқуқий категория, дахлсизлиги давлат, жамият томонидан кафолатланган жамоат муносабатлари тизимиdir"[4].



Миллий хавфсизлик назариясида:
"шахс(унинг ҳуқуқ ва эркинлиги), жамият (моддий ва маънавий бойликлари), давлат (унинг конституциявий тузуми, суворенитети ва ҳудудий яхлитилиги) асосий обьект", "миллий хавфсизлик соҳасидаги функциясини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари орқали амалга оширувчи давлат асосий субъект" этиб белгиланган.





Яна бир маҳаллий тадқиқотчилардан Селиманова Светлана Михайловна ва Алижонов Иброҳим Рустажон ўғли ўзларини илмий изланишларида, хавфсизликни таъминлаш хуқуқий категория сифатида давлатнинг хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, аниқлаш, шунингдек, зарарсизлантириш бўйича фаолиятининг муайян соҳаларини қамраб олишини, миллий қонунчиликда нафақат "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси, балки жамоат хавфсизлигига таҳдид тушунчаси ва турлари ҳам мустаҳкамланмаганлиги, бу нафақат маҳаллий олимлар ва амалиётчилар ўртасида, балки хорижий манбаларда ҳам ушбу масалалар бўйича бир хил қарашлар мавжуд эмаслигини қайд этганлар. Жумладан, тадқиқотчилар Шахснинг ҳаётий муҳим манбаатлари ва Жамиятнинг ҳаётий муҳим манбаатлари қисқача таъриф бериб, мазкур манбаатларни ўрганиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг амалий фаолиятида жамоат хавфсизлигига таҳдидлар таснифлаш муҳим аҳамият касб этишини, натижада бу биринчидан, таҳдидларни ба-тафсил ўрганиш имконини беришини. Иккинчидан, унинг мазмунини тушуниш имконини яратишини, учинчидан, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги чора-тадбирларни (ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқалар) амалга оширишни такомиллаштиришга хизмат қилишини такидланганлар.

Бундан ташқари, тадқиқотчилар "жамоат хавфсизлиги таҳдид" тушунчасига муаллифлик таърифни бериб уни куйдагича баён этганлар "жамоат хавфсизлигига таҳдид – бу жамиятнинг ҳаётий муҳим манбаатларига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараён, шарт-шароитлар ва бошқа ҳолатларнинг мажмуюи" [5].

Шунингдек улар ўзларини тадқиқотларида Жамоат хавфсизлигига таҳдид манбаасининг табиатига қараб икки гурухга ажратиб таснифлаганлар.



Иккинчидан, унинг мазмунини тушуниш имконини яратишини, учинчидан, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги чора-тадбирларни (ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқалар) амалга оширишни такомиллаштиришга хизмат қилишини такидланганлар.



Биринчи гурухга табиий хавфсизлик, бу ерда таҳдидларнинг манбаи турли хил табиий объектлар, ҳодисалар, жараёнлардир. Табиатдаги хавфнинг асосий манбаи ҳали ҳам инсон томонидан бошқарила олмайдиган табиат ҳодисалари (вулқон отилиши, бўронлар, зилзилалар ва бошқалар) ҳисобланади.

Иккинчи гурухга антропоген хавфсизлик, бу ерда таҳдидлар асосий манбаи инсон, турли ижтимоий тизимлар, шунингдек, инсон ҳаётининг маҳсулотлари, шу жумладан техносфера-дир, баъзан "технология олами" алоҳида кўриб чиқилади. Бунда барча турдаги таҳдидларнинг қуидаги иккита глобал манбалари ажратилади: ижтимоий соҳа ва технология соҳаси.

Антропоген хавфсизлик тўлиқ инсон омили боғлиқ бўлиб, бунда инсон бевосита (ёки билвосита), ҳаракат (ёки ҳаракатсизлиги) билан турли хил таҳдидлар келтириб чиқаради. Табиий хавфсизликдан фарқли ўлароқ антропоген хавфсизликка тегишли таҳдидларни олдини олиш, бартараф этиш ёки йўл қўймаслик йўллари мавжуд. Антропоген хавфсизликни ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, техник ва бошқа усуслар (чора-тадбирлар) орқали олдини олиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Инсон омили натижасида юзага келадиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахборот, техноген ва бошқа таҳдидларни прогноз қилиш ва барвақт олдини олиш ёки таъсир кўрсатиш имкони мавжуд. Бунинг учун таҳдид юзага келган сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатлари тадқиқ қилиш талаб қилинади[6].

Тадқиқотчи А.А.Аманов ўзини тадқиқотларида "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини Ички ишлар органлари профилактика хизматлари билан чамбарчас эканлигини таъкидлаган, шунингдек у ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳам иккি турга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. Жумладан,

а) жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти;

б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти.

Тадқиқотчи бошқалардан



фарқли равища ўзини илмий изланишларида "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини илмий жиҳатдан ёритиб беришда, маҳаллий олимларни фикрларини ўрганиб, О.Хусанов, М.З. Зиёдуллаевларни фикрларини келтириб ўтган, тадқиқотчи, М.З. Зиёдуллаевни "жамоат хавфсизлиги" ва "жамоат тартиби" тушунчаларини бир-бирига боғлиқлиги хақидаги фикрларини келтирган жумладан "жамоат тартиби" тушунчаси "жамоат хавфсизлиги"га қараганда кенгроқ кўринисада, амалда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти, кўлами ва серқирралиги жиҳатидан, жамоат тартибини сақлаш фаолиятига нисбатан кенгроқдир. Бизнинг Фикримизча, "жамоат тартиби" тушунчаси "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини ҳам қамраб олади. Сабаби, "жамоат тартиби" мавжуд бўлсагина, яъни ушбу "жамоат тартиби" субъектларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва ахлоқ нормаларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини муҳофаза қилиш учун "жамоат хавфсизлиги"га эҳтиёж вужудга келади[7].

Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан уларнинг обьект ва субъектлари бир-бири билан узвийлиқда, шунингдек жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида муносабатлар билан боғлиқ ҳолда ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар томонидан комплекс ўрганилишини тақозо этаётган ҳамда бугунги кунда муомалада ва субъектлари ҳамда уларнинг алоқадорлиги ҳақида фикр юритганда, авваламбор, биз кўриб чиқаётган мавзунинг таркибини ташкил этувчи "жамоат", "хавфсизлик", "таъминлаш", "объект", "субъект", "алоқа" каби сўзларнинг этиномологик маъносига мурожаат қилишимиз мақсадга мувофиқ[8].

Ҳуқуқ назариясида, хусусан ҳуқуқни муҳофаза қилиш асослари фанида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий "объектларига: шахс-унинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият-унинг моддий ва маънавий бойликлари; давлат-унинг конституцион тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги кириши", "субъекти бўлиб, бу соҳада давлат ҳокимияти органлари орқали фаолиятни амалга оширувчи давлат ҳисобланиши" эътироф этилади. Бошқа бир манбада миллий хавфсизлик назариясида: "шахс(унинг ҳуқуқ ва эркинлиги), жамият (моддий ва маънавий бойликлари), давлат (унинг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги) асосий



объект", "миллий хавфсизлик соҳасидаги функциясини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари орқали амалга оширувчи давлат асосий субъект" этиб белгиланган[9].

Миллий хавфсизликнинг асосий йұналишларидан бири ҳисобланған жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг обьектлари ва субъектларини аниқ белгилашда "жамоат хавфсизлиги" ва "жамоат хавфсизлигини таъминлаш" түшунчалари ҳақидаги биринчидан, ҳуқуқ назариядаги мавжуд ёндашувлар ва қарашлар, иккинчидан, миллий ҳуқуқ тизимидағи уларга берилған таърифлар, учинчидан, мазкур соҳадаги амалий фаолият асос бўлади[10].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш обьектларини аниқ ва тўлиқ қамраб олишга бу соҳасидаги миллий манфаатлар:

- жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;
- аҳолининг ҳуқуқий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик маstryулиятини ошириш асосида мамлакатда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;
- ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;
- мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- жамиятда миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағри-кенглик маданиятини, дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

-дунёда доимий равищада кечеётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда эҳтимолий таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш асос бўлиб хизмат қиласи[11].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тадқиқотчилар "жамоат хавфсизлиги" түшунчасига турлича ёндашмоқдалар, тадқиқотчиларни маълум бир қисми мазкур түшунчага сиёсатшунослик соҳасидан келиб чиқиб умумий тарзда ёндашиб фикрларни билдирган бўлса, тадқиқотчиларни маълум бир қисми ҳуқуқ соҳасидан келиб чиқиб ёндашган. Сиёсатшун-солик соҳасидан келиб чиқиб фикр билдирган тадқиқотчилар "жамоат хавфсизлиги" түшунчасини келиб чиқиши, қайси соҳаларга таъсир этиши, уни манбаи ва унга таъсир этувчи таҳдидларни келтириб чиқарувчи омилларни юзасидан илмий изланишлар олиб борган.

ҳуқуқни қўллаш соҳасида келиб чиқиб фикр билдирган тадқиқотчилар "жамоат хавфсизлиги" түшунчасини обьекти яъни ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари қайси обьектга қаратилғанлиги шунингдек "жамоат хавфсизлиги" таъминловчи субъектлар ва амалга оширувчи функцияларини ҳуқуқий таснифланиши ҳақида илмий изланишлар олиб борилган.

Илмий изланишларда, турлича ёндашувларни пайдо бўлиши натижасида "жамоат хавфсизлиги" түшунчасига берилаётган муаллифлик таърифларида турлича ва турли хил мазмунда шакланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари "жамоат хавфсизлиги" юзасидан маҳаллий олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларда фикрлари келтириб ўтилган хорижий тадқиқотчиларни таҳминан 70% постсовет мақонида жойлашган мамлакатларда илмий тадқиқот олиб бораётган олимларга тўғри келади.

Шунингдек, ғарб тадқиқотчиларини нұқтаи-назарида "жамоат хавфсизлиги" – бу фуқароларни, ваколатли шахслар, ташкилотлар ва муасасаларини уларнинг фараонлиги ҳамда жамиятни фаравонлигини таҳдидлардан ҳимоя қилишда амалга ошириладиган, амалдаги ҳукуматни функцияси сифатида тушунилади[12].

Реализм-сиёсатшунослик мактаби вакили, машҳур олим мутафаккир. файласуф, сиёсатшунос Николло Макиавелли (Nikkolo di Bernardo Makialevilli) "жамоат хавфсизлиги" түшунчасини талқин этар экан уни таркибий элементларини ҳам қисмларга бўлиб талқин этган, унинг фикрига кўра таркибий элементлар қўйдагилардан иборат:

- жамоат хавфсизлигини қўйи даражалари(ички ва ташқи);
- таҳдид ва хавф түшунчаси;
- шахсий хавфсизлик феномени;
- жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳукмрон элитани бошқарувини шакллари ва усуллари;



-давлатнинг ҳарбий, ҳарбий-сиёсий ва геосиёсий хавфсизлигининг долзарб муаммолари; Ижтимоий тараққиётнинг эволюцион жараёнида давлат хавфсизлигини таъминлаш[13].

Н.Макиавелли хавфсизлик муаммолари ва у билан боғланган хавф муаммоси юзасидан фикр юритар экан, жамоат хавфсизлигини иккита кичик даражаси мавжуд деган хуносага келган, унинг фикрича "давлатга ҳар доир хавфни икки тури таҳдид солади, биринчи ичкаридан ўзнинг фуқаролари томонидан, иккинчиси ташқаридан кучли қўшнилар томонидан", кейинчалик Н.Макиавелли ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашнинг усуслари ҳақида фикр юритиб шундай деган эди "ташқаридан келаётган хавфни яхши қуролланган қўшин ва иттифоқилар билан бартараф этиш мумкин қачонки ичкаридаги тинчликни фитналар билан бузиб юбормаганда", Н.Макиавелли фикридан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки агар доим ичкарисида

"жамоат хавфсизлиги" таъминланмаса ташқаридан келаётган таҳдидга қарши туриб бўлмайди[14].

Хавфсизлик тушунчасини ривожланишда яна бир европалик олим инглиз файласуфи Т.Гоббс ҳам ўз ҳиссасини қўшган, унинг фикрича жамоавий келишув орқали ижтимоий мувозанатни сақлаш ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўлидир.

Хавфсизлик муаммоси бўйича ижтимоий-фалсафий қарашларнинг ривожланишида 18-аср француз маърифатпарварлари мутафаккирлари ва немис классик вакиллари муҳим роль ўйнаган, Ж.Ж.Руссо фуқаролик жамиятини хавфсизлиги "умумий ирова" билан ифодаланади деб ҳисоблаган, И.Кант ва Ф.Гегелнинг фикрича инсоний иллатлар ва уларнинг салбий оқибатларини енгиш учун одамларнинг иродасини чеклаш, уларни фуқаролик жамияти интизомига, давлат қонунларига бўйсундириш зарур бўлиб, улар одамлар ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилишдир.

ИКТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. П.К.Шагилов "Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари" [Электрон манба]-Кириш тартиби: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhamoat-havfsizligi-tushunchasi-va-ziga-hos-hususiyatlari> (мурожаат вақти: 20.03.2023).
2. Ф.Т.Хакимов ва И.Р.Алижанов "Жамоат хавфсизлиги тушунчасининг методологик асослари". Юриспруденция илмий амалий журнал, 3-жилд 4-сон 48-бет. Тошкент-2022.
3. А.Ф.Жолдасов "Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари"-[Электрон манба]-Кириш тартиби: https://ares.uz/storage/app/media/2021/Vol_2_No_12/1163-1174.pdf (мурожаат вақти: 20.03.2023).
4. А.Ф.Жолдасов "Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари"-[Электрон манба]-Кириш тартиби: https://ares.uz/storage/app/media/2021/Vol_2_No_12/1163-1174.pdf (мурожаат вақти: 20.03.2023).
5. С.М.Селиманова ва И.Р.Алижанов. "Жамоат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таҳдид ва хавф-хатарларнинг ҳолати ва таҳлили". "JAMOAT XAVFSIZLIGI" илмий-амалий электрон журнали №1-2022. Тошкент-222. 24-25 бетлар.
6. С.М.Селиманова ва И.Р.Алижанов. "Жамоат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи таҳдид ва хавф-хатарларнинг ҳолати ва таҳлили". "JAMOAT XAVFSIZLIGI" илмий-амалий электрон журнали №1-2022. Тошкент-222. 24-25 бетлар.
7. А.А.Аманов "Ички ишлар органлари ҳуқуқб-узарликлар профилитикиаси хизматларининг жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти тушунчаси ҳамда моҳияти". ИИВ Академияси Ахборотномаси 2022 йил 1-сон, Тошкент-2022 133-134 бетлар/
8. И.Исмаилов ва М.А.Холматов "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектлари ва субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги". Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш меҳанизмларини такомиллаштириш масалалари мавзусида республикаи илмий-амалий конференцияси.-[электрон манба]-кириш тартиби: <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12573>. (мурожаат вақти: 21.03.2023).
9. И.Исмаилов ва М.А.Холматов "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектлари ва субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги". Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш меҳанизмларини такомиллаштириш масалалари мавзусида республикаи илмий-амалий конференцияси.-[электрон манба]-кириш тартиби: <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12573>. (мурожаат вақти: 21.03.2023).
10. И.Исмаилов ва М.А.Холматов "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектлари ва субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги". Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш меҳанизмларини такомиллаштириш масалалари мавзусида республикаи илмий-амалий конференцияси.-[электрон манба]-кириш тартиби: <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12573>. (мурожаат вақти: 21.03.2023).
11. И.Исмаилов ва М.А.Холматов "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш объектлари ва субъектларнинг ўзаро алоқадорлиги". Давлат бошқарув соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш меҳанизмларини такомиллаштириш масалалари мавзусида республикаи илмий-амалий конференцияси.-[электрон манба]-кириш тартиби: <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12573>. (мурожаат вақти: 21.03.2023).
12. Public security. Wikipedia. [электрон манба]-кириш тартиби- https://en.wikipedia.org/wiki/Public_security. (мурожаат вақти: 21.03.2023).
13. David Wootton Selected Political Writings by Niccolò Machiavelli; Hackett, 1994.
14. David Wootton Selected Political Writings by Niccolò Machiavelli; Hackett, 1994.



ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕРРОРИЗМ ВА ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

PREVENTION MEASURES OF TERRORISM AND EXTREMISM IN UZBEKISTAN

Мурод Мавлянов,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Терроризмга қарши курашиш
хизмати бош мутахассиси
(электрон почта манзили:
murodabduraximovich@gmail.
com)

Murod Mavlyanov,
Chief specialist of the Counter-
Terrorism Service of the Ministry
of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan (e-mail:
murodabduraximovich@gmail.
com)

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада терро-
ризм ва экстремизмнинг Марказий Осиё ва
Ўзбекистонга солиши мумкин таҳликалари,
мазкур таҳликаларга қарши курашиш соҳаси-
ни тартибга солувчи Ўзбекистон қонунчилиги
тизими, мазкур соҳада қайд хуқуқбузарликлар
таҳлили ҳамда уларни олдини олиш юзасидан
амалга оширилаётган комплекс чора тадбирлар
ёритилган.


Таянч тушунчалар: Ўзбекистонда терроризм
ва экстремизмнинг олдини олиш, терроризм
ва экстремизмнинг олдини олиш бўйича Ўзбе-
кистон амалиёти, терроризм ва экстремизмни
олдини олиш, террорчи ва экстремистлар реа-
билитацияси, репатриантлар реабилитацияси.

ANNOTATION. This article discusses possible
cases of the emergence of terrorism and extremism
in Central Asia and Uzbekistan, the legal system of
Uzbekistan that regulates the sphere of countering
terrorism and extremism, the analysis of offenses
recorded in this area in Uzbekistan, and the
comprehensive measures being implemented to
prevent them.

KEY WORDS: Prevention of terrorism and
extremism in Uzbekistan, practice of Uzbekistan
on the prevention of terrorism and extremism,
Prevention of terrorism and extremism,
rehabilitation of terrorists and extremists,
rehabilitation of repatriates.



ЭКСТРЕМИЗМИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР





Бугунги кун глобаллашуви шароитида, терроризм ва экстремизм каби хурожлар дунё мамлакатлари қаторида республикамизнинг ҳам нафақат ташқи ёки сиёсий хавфсизлигига, балки ички, ижтимоий, маънавий, иқтисодий, экологик ҳамда ахборот хавфсизликларига жиддий таҳдид солувчи омилга айланди.

Ачинарлиси, халқаро экстремистик ва террористик ташкилотлар вақт, чегара ва макон танламас Интернет ижтимоий тармоқларидан кенг фойдаланган ҳолда диний ақидалар ниқоби остида аҳоли, айниқса ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оиласвий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттироқда.

Радикал ғоялар таъсири остига тушган шахслар аҳолининг норозилик даражасини ошириш, оммавий тартибсизликларни қўзғатиш, давлат органлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларини обрўсизлантириш каби ижтимоий хавфли ҳаракатларни амалга оширмоқдалар.

Бундан ташқари, халқаро террорчилик ва экстремистик ташкилотлар жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган давлатлардаги нотинч вазиятдан фойдаланиб, ўз сафларини кенгайтириши ҳамда Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига таҳдид солиши таҳликаси сақланиб қолмоқда.

Мазкур таҳликаларга қарши кураш Узбекистонда 2000 йилдан бошлаб яратилиб келинаётган миллий қонунчилик тизими доирасида амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, 2000 йил 15 декабрида қабул қилинган “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун мазкур соҳани тартибга солувчи илк норматив-ҳуқуқий хужжат ҳисобланган.

Кейинги йилларда қабул қилинган қонунлар, жумладан Узбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш

тўғрисида”ги ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар мазкур соҳани янада такомиллаштирган.

2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Бирлашган миллатлар ташкилоти Баш ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”, - дея таъкидлаб, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоялаш Ўзбекистонда давлатнинг устувор вазифаларидан бири эканлигига урғу бериб ўтдилар.

Шунингдек, Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Узбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мазкур соҳадаги туб ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Хусусан, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш Миллий стратегиянинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги, шунингдек давлатнинг аҳоли, айниқса ёшларнинг экстремистик ва террорчилик фаолиятига жалб этилишидан ҳимоялаш борасидаги чора-тадбирлари Миллий стратегия даражасида тасдиқланганни БМТ Баш ассамблеясида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мантиқий давоми бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Хусусан, “Ёшлар ишлари агентлиги”, “Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги” каби ташкилотларнинг ташкил этилгани ҳамда Ички ишлар вазирлигининг мазкур идоралар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйгани аҳолини, айниқса ёшларни деструктив ғоялардан ҳимоялаш тизимини ислоҳ қилди.

Рақамларга назар солсак, Узбекистонда қайд этилаётган терроризм ва экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг салмоқли қисми Интернет ижтимоий тармоқлари ёрдамида содир этилаётганлигини ҳамда мазкур тоифадаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилаётганлар

“

**А.С. Якубовнинг
“жиноят таркиби
– маълум бир
ижтимоий хавфли
қилмишини жиноят
деб характерловчи
объектив ва
субъектив
белгиларнинг
минимал ва
етарли йиғиндиси”
деган таърифи
“жиноят таркиби”
тушунчасини содда
ва аниқ ёритиб
берган**





нинг аксарияти ёшлар ҳиссасига тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, таҳлилларга кўра, ўтган йилда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг 80 фоизи фуқароларнинг Інтернет ижтимоий тармоқларида деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишлари натижасида содир этилган бўлса, мазкур йўналишда 2022 йилда аниқланган жинояtlар доирасида жавобгарлик масаласи кўриб чиқилган шахсларнинг 61 фоизи ёшлар (18-30 ёш) ҳисобига тўғри келган.

Мазкур кўrsatkich йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кузатishimiz mумkin. Misol учун, 2020 йилда жавобгарликка тортилганларнинг 57 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келган бўлса, 2021 йилда мазкур кўrsatkich 58 фоизни ташкил этган.

Юқорида қайд этилган тенденциялар сақланиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда,

кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда республикамизда бир қатор комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, мазкур йўналишдаги ишларни йўлга қўйиш ва мувофиқластириш мақсадида, 2018-2019 йилларда Ички ишлар органлари таркибида аҳолини ёт ғоялар таъсири остига тушиб қолишларини олдини олиш бўйича мафкуравий тарғибот тадбирларини амалга оширувчи ҳамда деструктив ғоя таъсири остига тушган шахсларни жамиятга қайта ижтимоий мослашувини таъминловчи бўлимлар фаолияти ташкил этилди.

Мазкур бўлимлар фаолияти манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда фуқаролар, айниқса ёшларни турли экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар ғоялари таъсирига тушиб қолшини олдини олиш мақсадида манзилли мафкуравий тарғибот тадбирларини амалга оширишга, шунингдек, ёт ғоялар таъсирига адашиб тушиб қолиб, содир этган жинояти учун жазони ўтаб чиқсан ёхуд афв этилган шахсларни жамиятга қайта ижтимоий мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Шу мақсадда, Дин ишлари бўйича қўмита, Мусулмонлар идораси, Маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлар агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, жойлардаги ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гурӯхларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Ўз наебатида, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объектини кўриқланадиган объектлар ҳажмидан келиб чиқиб, уч турга, яъни:

- умумий объект;**
- турдош объект;**
- бевосита объектларга ажратиши қабул қилинган**



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида назарда тутилган, "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" деган олий мақсад, шунингдек Жиноят кодексида назарда тутилган инсонпарварлик принципига таянган ҳолда жиноят содир этиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларни жазодан озод этиш ҳамда жамиятга қайта мослаштириш юзасидан чора-тадбирлар тизимили асосда амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, алоҳида таъкидлаш лозимки, Ички ишлар вазирлиги ва "Барқарор Ҳаёт" ҳалқаро ижтимоий-маърифат маркази ўртасида ижтимоий ҳамкорлик Меморандуми тасдиqlаниб, унга мувофиқ ахолини ёт фоялардан ҳимоялаш ва ёт фоялар таъсири остига шахсларни жамиятга қайта ижтимоий мослаштириш йўналишида амалий ҳамкорлик ўрнатилди.

Ички ишлар органларининг тегишли бўлинмалари томонидан юқорида қайд этилган манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда таълим муассасаларида, ўзини-ўзи бошқариш органларида, корхона ва ташкилотлар ҳамда ОАВларда биргина 2022 йилда мобайнида 10.000 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Айниқса, экстремистик фояларнинг ёшлар орасида тарқалишини олдини олиш мақсадида, ўрта ва олий таълим муассасаларида диний идоралар вакиллари билан ҳамкорликда манзилли тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Жумладан, биргина 2022 йилда республика бўйича таълим муассасаларида 3.200 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, уларда 100.000 га яқин ўқувчи ва талабалар иштироки таъминланди.

Мазкур тоифадаги тадбирлар учун 150 га яқин видео материаллар, 500 дан ортиқ тарқатма материаллар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга етказилди.

Мисол учун, экстремистик фоялар тарқалишини олдини олишга қаратилган, "Диний экстремизм – келажакка таҳдид", "Экстремизм ва терроризм – тараққиёт кушандаси", "Огоҳ бўлинг", "Мутаассиб шахснинг психологик хусусиятлари", "Дин ниқоби остидаги ахборот хуружлари" каби мавзуларда тарқатма материаллар тайёрланиб, жойларда тарқатилди. Узбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмита, Узбекистон ҳалқаро ислом академияси, Узбекистон мусулмонлар идораси ва "Зиё" студияси билан ҳамкорликда экстремистик оқимлар таъсирига адашиб

тушиб қолган ёшларнинг аянчли қисматини акс эттирувчи "Иккитақдир", "Хизбут-таҳрир фитнаси", "Адашганлар" номли видеофильмлар тасвирга олиниб, кенг жамоатчиликка, шу жумладан терроризм ва экстремизм йўналишида жиноят содир этиб, жазо ўтаетган маҳкумларга намойиш этилди.

Шунингдек, Узбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида назарда тутилган, "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш" деган олий мақсад, шунингдек Жиноят кодексида назарда тутилган инсонпарварлик принципига таянган ҳолда жиноят содир этиб, тузалиш йўлига ўтган шахсларни жазодан озод этиш ҳамда жамиятга қайта мослаштириш юзасидан чора-тадбирлар тизимили асосда амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2017 - 2022 йилларда Узбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 20 дан ортиқ афв этиш тўғрисидаги фармонларига асосан, муқаддам турли тоифадаги жиноятлар,



шу жумладан терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноят содир этгани учун жазони ўтаётган 3.200 дан ортиқ шахслар афв этилиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан "ўчоқли" ҳудудлардан 2019 - 2021 йилларда "Мехр" инсонпарварлик дастури доирасида 500 нафардан ортиқ фуқаролар (уларнинг 28% аёллар, 71% вояга етмаганлар) ватанга қайтарили ва жавобгарлиқдан озод этилди.

Мазкур соҳадаги ислоҳотлар фақатгина шахсни афв этиш ёки жавобгарлиқдан озод этиш билан тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, уларни жамиятга ижтимоий мослашуви, фойдали меҳнатга жалб этилиши ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилди.

Жумладан, афв этилганлар, ватанга қайтарилганлар, жазони ўтаб чиққанлар ва уларнинг оила аъзоларини яшаш шароитини ўрганиш жараёнida кундалик ҳаёт тарзидағи муаммолари мавжудлиги аниқланиб, жойлардаги ҳокимлик ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳал этиб келинмоқда.

Мисол учун, мазкур тоифадаги шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари янгиланди, бандлиги таъминланди, тегишилларига ёшга доир нафақалар тайинланди, қизиқиши бўлганлар тадбиркорликка жалб этилди, яшаш жойи бўлмаганлар уй-жой билан таъминланди, бетобларга тиббий ёрдам кўрсатилди, эҳтиёжи борларга моддий ёрдам кўрсатилди, яшаш хонадонида таъмирлаш ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммолари ижобий ҳал этиб берилди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирлиги ва "Барқарор Ҳаёт" ҳалқаро ижтимоий-мъерифат маркази томонидан ўзаро ҳамкорликда "Мехр" инсонпарварлик дастури

доирасида олиб келинган 25 нафар репатриантлар учун тадбиркорликка ўқитиш ва кичик бизнес корхоналарни ташкил этиш асослари бўйича "Biznes start - up" ўқув курслари ўтказилди.

Курс якуни бўйича иштирокчиларга сертификатлар топширилди ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун жой белгиланиб, тадбиркорлик турига қараб зарурий асбоб - ускуналар олиб берилди.

Мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар давом этмоқда.

Шу ўринда, эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. Жумладан, сўнгги йилларда, юртимизда болалар ҳуқуқларини таъминлаш механизми тақомиллаштирилиб, болалар ҳуқуқларининг бузилиши, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамасдан, айрим фуқароларимиз томонидан фарзандларини чет давлатларга таълим учун юбориб, уларни узоқ муддатга назоратсиз қолдириш ҳолатлари учрамоқда.

Хусусан, биргина ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари бўйича Омбудсмани ва Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, чет давлатларда ота-онасининг ғамхўрлиги ва назоратисиз қолган жами 43 нафар болалар (Россиядан 37 нафар, Қозоғистон ва Туркиядан 2 нафардан) юртимизга қайтарили.

Мазкур тенденция ҳам вояга етмаганлар орасида турли қўринишдаги ёт иллатлар ва ҳуқуқбузарликлар авж олиши, ҳалқаро террористик ва экстреми-





мистик ташкилотлар таъсири остига тушиб қолишилари учун қулай шароитлардан бири ҳисобланади.

Шу муносабат билан, вояга етмаганларнинг чет давлатда назоратсиз қолдирилишини олдини олиш мақсадида, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокамага қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилди.

Қонун лойиҳасига кўра, амалдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси янги бандлар билан тўлдириш, уларда ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан боланинг чет давлатда назоратсиз қолдирилиши - жавобгарликка сабаб бўлишини белгилаш кутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш учун жавобгарликни белгиловчи 476-модда билан тўлдириш ҳамда ушбу ҳаракатни бир йил давомида такороран содир этилиши ёки маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг суд томонидан белгиланган муддатда чет элда турган болани қайта-

рилишини таъминламаслик учун Жиноят кодексида 1221-моддаси билан жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ота ёки она ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахс ёки ҳамроҳлик қилувчи шахс томонидан боланинг чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдирилиши ва тегишли мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши кутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалқаро террористик ва экстремистик ташкилотлар томонидан аҳоли, айниқса ёшларни бузғунчи ғоялар таъсири остига туширишга қаратилган ҳаракатларига жавобан Ўзбекистонда "Жаҳолатга қарши маърифат" тамоили остида комплекс чора-тадбирлар тизимили асосда олиб борилмоқда ва бу ўзининг маҳсулини кўрсатмоқда.

Буни, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳалқаро рейтингларда Ўзбекистонга нисбатан берилган ижобий баҳодан ҳам билиш мумкин.

Жумладан, Бутунжаҳон иқтисодиёт ва тинчлик институти томонидан 2022 йилда эълон қилинган "Бутунжаҳон Глобал терроризм индекси" рейтингида 163 та давлат орасида, терроризм хавфи минималлашган Зимбабве (163-урин) ва Замбиядан (162-урин) сўнг, 161-уринни, яъни дунё бўйича энг хавфсиз давлатлар орасида 3-уринни, Марказий Осиё давлатлари орасида эса 1-уринни эгаллаган.

Мазкур глобал индексда терроризм хавфи юқори бўлган Афғонистон (1-урин), Ироқ (2-урин) ва Самоли (3-урин) каби давлатлар рейтингнинг дастлабки ўринларида қайд этилган

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги аҳоли, айниқса ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоялаш, уларни диний бағрикенглик ва миллатларо тутувлик руҳида тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, келгусида Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва жамоат хавфсизлиги таъминланишининг кафолатли пойдевори бўлиб қолишини тахмин қилиш мумкин.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.

<https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleysi-20-09-2017>

2. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ҳамда «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлари.

<https://lex.uz/docs/5491626>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 июлдаги "2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6255-сон фармони.

<https://lex.uz/docs/5491626>

4. Бутунжаҳон итисодиёт ва тинчлик институти томонидан 2022 йилда эълон қилинган "Глобал терроризм индекси" рейтинги.

(https://en.m.wikipedia.org/wiki/Global_Terrorism_Index)



Диққат! Эътиборингиз ва салоҳиятингизни синаб кўринг!



МАНТИҚИЙ САВОЛ

Шифохонага хавотирга тушган эркак "кимдир хотинимга ўқ отибди" деб бақириб келди. Детектив ундан нима бўлганлигини сўраганида, ишхонасида ўтирганида, уй хизматчиси унга қўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғи билан даҳшатли ҳодиса юз бериб, ҳозирда реанимацияда эканлигини айтганлигини ва у шу заҳоти шифохонага етиб келганлигини айтди. Детектив уни турмуш ўртоғини ўлдиришига урингани учун ҳибсга олди.

Нима сабабдан?

Ўтган сонда берилган топишмоқнинг жавоби:
Қотил - хизматкор. Сабаби якшанба куни почта келмайди.

Ответ

Убийца - служанка. Потому что по воскресеньям почту не доставляют.

Жавоби келгуси сонда
Ответ в следующем выпуске

Загадка на логику

Приёмный покой в дверь вбежал встревоженный мужчина и закричал: «Кто-то стрелял в мою жену!»

Детектив попросил его рассказать, что случилось. Мужчина рассказал что он был на работе, когда ему позвонила домработница и сказала, что с его женой случилось что-то ужасное и она в реанимации. Он тут же побежал в больницу. Детектив тут же арестовал его за покушение на убийство жены.

Почему он так поступил?



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ

ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ



MODERN MECHANISMS OF SOCIAL
PROTECTION OF EMPLOYEES OF
INTERNAL AFFAIRS BODIES

Одилжон Яқубов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар
билим таъминлаши департаменти
Ижтимоий ҳимоя бошқармаси бошлиғи,
подполковник

Odiljon Yaqubov,
*Head of the Department of social protection
of the Department of spiritual and
educational affairs and human resources
of the Republic of Uzbekistan, Lieutenant
Colonel*

АННОТАЦИЯ: Мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар осойишталиги, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига қаратилган турли хавф-хатарлардан уларни ишончли ҳимоя қилиш ички ишлар органларининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, ички ишлар органлари ходимларини ҳам томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг амалдаги тартибини тубдан такомиллаштириш буғунги куннинг энг долзарб масаласидир.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Хавфсизлик, ислоҳотлар, ижтимоий ҳимоя, электрон дастур.

ANNOTATION: ensuring peace and security in our country, reliable protection of citizens from various risks aimed at Tranquility, life, health and property is one of the most important tasks of the internal affairs bodies. Therefore, the most urgent issue of today is the comprehensive support of employees of the internal affairs bodies, the radical improvement of the current procedure for ensuring their social protection.

KEYWORDS: Security, reform, Social Protection, electronic program.



Жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, инсон унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини турли ҳавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиши давлатнинг асосий вазифаларидан бири хисобланади. Шу боисдан ҳам янги Ўзбекистон тарихида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигидаги ислоҳотлар айнан фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидан бошланди.




Ислотлар натижасида ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий-хукуқий ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига оид бир қатор норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонунига асосан қўйидаги йўналишлар яъни, соғлиғини сақлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, уй-жой майдони билан таъминлаш, мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини коплаш, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси, ижтимоий ёрдам кўрсатишлар орқали таъминланиши белгилаб қўйилган1. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3413-сон қарорида ходимларни ижтимоий ҳимоясини кафолатлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги беш йил давомида ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тарихий ислоҳотлар амалга оширилди. Юртимиизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ички ишлар органлари тизимини ҳам чуқур ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Замон талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимлари тизимининг фаолияти янада такомиллаштирилди, уларнинг ташкилий тузилиши ва асосий вазифалари аниқ белгилаб олинди.


Ходимларни ижтимоий-хукуқий ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг ойлик маошлари оширилди, хизмат вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ходимларнинг фарзандларига ўқишига киришлари учун алоҳида квоталар ажратилди. Ички ишлар органлари фахрийлари ва уларнинг оила аъзоларига арzonлаштирилган нархда тиббий-ижтимоий ёрдам олиш имкониятлари яратилди.

Хизмат чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига олий таълим муассасаларига имтиҳонсиз ўқишига кириш учун тавсияномалар тақдим этилмоқда. Хизматда намуна кўрсатган ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган ходимлар давлат мукофотлари билан тақдирланди2.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-118-сон қарорида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида ички ишлар органлари фаолияти самардорлигини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яхшилаш ҳамда мазкур соҳадаги хизматнинг жозибадорлигини ошириш мақсади белгилаб берилди.



Йигирма йил ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ходимлар йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шароитда даволанмаган тақдирда, уларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йилнинг якуни бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорида бир марталик пул компенсацияси тўланади.



умладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдин олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимида, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ички ишлар органларининг бекиёс хизмати алоҳида таъқидлаб ўтилган.

Ички ишлар органлари ходимлари ҳаёти ва соғлиғига қаратилган чораларни кучайтириш мақсадида кўйидаги тартиблар ўрнатилган.

Йигирма йил ва ундан кўп календарь йил хизмат қилган ходимлар йил давомида ички ишлар органларининг тиббий муассасаларида стационар шароитда даволанмаган тақдирда, уларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш учун йилнинг якуни бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари миқдорида бир марталик пул компенсацияси тўланади;

– ички ишлар органларидан хизматдан бўшатилган (ички ишлар органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган ҳоллар бундан мустасно) пайтдан бошлаб 36 ой давомида собиқ ходим (пенсионер)нинг ички ишлар органларидаги хизмат вазифаларини бажарганилиги билан боғлиқ сабабларга кўра ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган тақдирда, унга Давлат бюджети ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўйидаги миқдорларда бир марталик пул компенсацияси тўланади:

– вафот этан тақдирда унинг оила аъзоларига базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз бараваригача бўлган миқдорда;

– ўртacha ёки оғир тан жароҳати етказилган тақдирда – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача бўлган миқдорда.

Хизматда самарали натижаларга эришган ходимларни уй-жой билан таъминлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида қўйидагилар белгиланди:

– ҳар йили ички ишлар органларида беш йилдан ортиқ хизмат қилган, хизматда самарали натижаларга эришган ва уй-жой билан таъминланмаган 500 нафар ходимга ипотека кредитлари асосида сотиб олинаётган уй-жой

қийматининг 25 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 бараваридан ошмайдиган дастлабки бадал пули Давлат бюджети маблағлари ёки қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўлаб берилади;

– ходим дастлабки бадал пулини олган вақтдан бошлаб 10 йиллик муддат даврида ички ишлар органларидағи хизматдан салбий сабабларга кўра бўшатилган тақдирда, берилган дастлабки бадал пули у томонидан тўлиқ давлатга қайтарилади;

– ходим терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда, унинг номига расмийлаштирилган ипотека кредитларининг тўланмай қолган қисми ва ҳисобланган фоизлари Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади;

– ходимларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ хизмат вазифасини бажариш чоғида олинган видео ва фото тасвирларни уларнинг рухсатисиз тўғридан-тўғри интернет тармоғига жойлаштиришни тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳарарату үчун жавобгарлик масалалари бўйича таклифлар киритилиши белгиланган.

Ички ишлар органларида ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш масаласида амалга оширилган ислоҳотларни қўйидагиларда яққол кўришимиз мумкин. Мамлакатимизда энг аввало инсон қадри тамойилига асосланган ҳолда олиб борилаётган халқчил демократик ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фАО-лияти мақсад ва мазмун жиҳатдан мутлақо ўзгариб, тизим Янги Ўзбекистоннинг замонавий, ижтимоий вазифаларга интеграциялашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органи сифатида қайта шаклланмоқда.

Олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар ички ишлар органлари ходимларининг маънавиятини ҳамда интеллектуал салоҳиятини янада юксалишига, ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонун бузилиши ҳолатларини камайишига хизмат қилади.



Юқоридагиларга асосланиб, хулоса ўринида қуйидагиларини таъкидлаб ўтиш мумкин:

Биринчидан, ходимларни ижтимоий ҳимоя фоалиятини ривожлантириш борасида барча таркибадаги раҳбарлар томонидан ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қабул қилинган ҳуқуқий норматив ҳужжатларни ўрганишлари ва расмийлаштириш тартиби бўйича режали ўқув машғулотлари ташкил этилиб, уларнинг мазмун моҳияти тўлиқ тушунтирилиши бўйича ишларни амалга оширилиши ҳамда ўз қўй остидаги ходимлари билан "Ходимбай" ишлаш тизими асосида аниқланган ижтимоий кўмакка муҳтож ходимлар базасини шакллантириб уларнинг оиласидаги муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоя масаласидаги мурожаатлариниadolatli ва шаффоф кўриб чиқилишини таъминлаш;

Иккинчидан, ходимларга кўрсатилаётган ижтимоий тиббий хизмат сифатини доимий таҳлил қилиб бориш, ходимларга қулавлик яратиш ва шароитларни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳар чорақда бир маротаба ходимларнинг оила аъзолари билан биринчи раҳбарлар томонидан сайёр оммавий қабуллар ташкил этиш ва уларнинг муаммоларига ечим топишга кўмаклашиш, ижтимоий кўмакка ва эътиборга муҳтож ёлғиз, кекса ёшдаги фахрийларни аниқлаш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш учун масъул ходимлар бириктириб бориш;

Учинчидан, олиб борилаётган тизимли ислоҳотларга қарамай ханузгача ходимлар томонидан хизмат интизомига риоя этмаслик, қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этиш каби салбий ҳолатлар ҳамон учраб турганлиги сабабли, ҳар жиҳатдан содиқ, ҳалол, ватанпарвар, фидойи, мард ва жасур ходимларни тарбиялаш билан бирга, ҳалқимиз ўртасида ички ишлар органларига нисбатан фаҳр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, касбига бўлган ҳавас ва қизиқишлигини орттириш ҳамда шу орқали ички ишлар органлари сафини мустаҳкам иродали, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳалқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ёш ва истиқболли ходимлар билан тўлдириб боришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини бугунги давринг ўзи тақозо этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий ҳимоясиadolatli ва холисона бўлишини таъминлаш, шунингдек, очиқ ва коррупциядан холи, ортиқча оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга хизмат қилувчи онлайн режимда ишлайдиган, навбатлар кетма-кетлигини автоматик равишда бошқарувчи, инсон омилидан холи бўлган "E-ijtimoiy-himoaya. iiw.uz" электрон дастури ишга туширилганлигини шаффофликни таъминловчи энг муҳим омил бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
2. Бобоҷонов.П.Р. "Янги Ўзбекистонда ҳалқпарвар Ички ишлар органлари: ислоҳотлар ва истиқболлар". Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. 2021. Махсус сон. Б. 7-10.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2022 йил 15 февралдаги "Ички ишлар органларида маънавий-маърифий, таълим-тарбия ҳамда кадрлар билан ишлаш соҳасидаги ишларни 2022 йилда жадал ривожлантиришга оид манзилли чора-тадбирлар тўғрисида"ги 34-сонли бўйруғи. 1, 4-хатбоши.



ПОДПОЛКОВНИК
Халимов Лочинбек Жамолович

Қашқадарё вилояти,
Қарши шаҳар бўйича ИИО
ФМБ бошлиги ўринбосари –
Тергов бўлими бошлиғи



ПОДПОЛКОВНИК
Мирзажонов Шоҳруҳбек Собиржонович

Андижон вилояти,
Андижон шаҳар бўйича
ИИО ФМБ бошлигининг
ўринбосари-Тергов бўлими
бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ТЕРГОВ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ХУДУДИЙ ШАҲАР ТЕРГОВ БЎЛИМИ БОШЛИҚЛАРИ



ПОДПОЛКОВНИК
Отегенов Адилбек Туркменбаевич

Қоракалпогистон
Республикаси, Нукус
шаҳар бўйича ички ишлар
органлари фаолиятини
мувофикалаштириш
бошқармаси бошлиги
ўринбосари – ИИБ
хузуридаги тергов бўлими
бошлиғи



ПОДПОЛКОВНИК
Ғаниев Азиз Анварович

Навоий шаҳар ИИБ
бошлигининг ўринбосари-
ИИБ хузуридаги тергов
бўлими бошлиғи



ПОДПОЛКОВНИК
Бозоров Ойбек Бекмуродович

Бухоро вилояти,
Бухоро шаҳар бўйича
ИИО ФМБ бошлигининг
ўринбосари-тергов бўлими
бошлиғи



майор
Ширинқулов Баҳтиёр Ифтихор ўғли

Жizzах вилояти Жizzах
шахар ИИБ бошлиғи
ўринбосари-тергов бўлими
бошлиғи



Наманган вилояти,
Наманган шаҳар бўйича
ИИО ФМБ бошлиғи
ўринбосари – тергов бўлими
бошлиғи вазифасини
бажарувчи



майор

Яхёхўжаев Баҳодир Ғозихонович

Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳар ИИБ бошлиғи
ўринбосари- тергов бўлими
бошлиғи



подполковник
Рашидов Самар Пулатович

Самарқанд вилояти,
Самарқанд шаҳар бўйича
ИИО ФМБ бошлиғи
ўринбосари – ички ишлар
бошқармаси ҳузуридаги
тергов бўлими бошлиғи



подполковник

Адилов Акобир Бехбудиевич

Тошкент вилояти ИИБ
Нурафшон шаҳар ИИБ
хузуридаги Тергов бўлинма
бошлиғи



подполковник
Шерназаров Толиб Эшкувватович

Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳар ИИБ
бошлиғи ўринбосари-тергов
бўлими бошлиғи



майор

Исмаилов Бобир Ҳамза ўғли

Фарғона вилояти ИИБ
Биринчи минтақавий худуд
Фарғона шаҳар ИИО ФМБ
бошлиғи ўринбосари-ИИБ
хузуридаги тергов бўлими
бошлиғи



подполковник
Мадрахимов Азаматжон Абдухалилович

Хоразм вилояти,
Урганч шаҳри бўйича
ИИО ФМБ бошлиғининг
ўринбосари, Тергов бўлими
бошлиғи



майор
Артиков Сарвар Кадам ўғли



ИИВ хузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси

**Капитан
Авалбеков Абдумалик Фарход ўғли**

ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ЁШ ХОДИМЛАР



ИИВ хузуридаги Тергов департаменти катта терговчиси

**Катта лейтенант
Турғунов Илхомжон Иқболжон ўғли**



Тошкент вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси Кадрлар гурухи катта инспектори

**капитан
Шербўтаев Абдурауф Вахиджон ўғли**



Андижон вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчи

**капитан
Жалилов Бекзодбек Ғиёсiddин ўғли**



Бухоро вилояти Вобкент туман ИИБ хузуридаги тергов гурухи катта терговчиси

**капитан
Файзуллоев Бехзод Лутфуллоевич**



Навоий вилояти Конимех тумани ИИБ хузуридаги Тергов гурухи катта терговчиси

**капитан
Рахматов Бобур Анваржон ўғли**



Сурхондарё вилояти Музработ туман Ички ишлар бўлими хузуридаги Тергов гурухи терговчиси

**Катта лейтенант
Жуманиёзов Сардорбек Абдунаби ўғли**



Қоракалпогистон
Республикаси ИИБ иккинчи
минтақавий ҳудуд, Тўрткўл
тумани ИИБ хузуридаги
Тергов бўлинмаси
терговчиси



лейтенант
Рейипназаров Тимур Туелбаевич

Фарғона вилояти ИИБ
хузуридаги Тергов
бошқармаси Кадрлар гурухи
катта инспектори



Капитан
Мирзатиллаев Жаҳонгир Ўқтамжон ўғли

Хоразм вилояти Тупроққалъа
тумани ИИБ
1-сон ички ишлар бўлинмаси
сuriштирув гурухи
сuriштирувчisi



лейтенант
Рахимов Сайджон Хасанович

Чилонзор тумани ИИО ФМБ
хузуридаги Тергов бўлими
жиноятларни тергов қилиш
бўлинмаси терговчisi



лейтенант
Ғанибоев Исройл Аъзам ўғли

Наманган вилояти Наманган
шахар бўйича ИИО ФМБ
хузуридаги тергов бўлими
жиноятларни тергов қилиш
бўлинмаси терговчisi



Катта лейтенант
Исмонов Сохибжон Исломжон ўғли

Сурхондарё вилояти
ИИБ Транспортда
хавфсизликни таъминлаш
бошқармаси тергов гурухи
сuriштирувчisi



лейтенант
Нусратуллоев Шаҳобиддин Жуманазарович

Қашқадарё вилояти
Гузор тумани ИИБ
хузуридаги Тергов гурухи
терговчisi



катта лейтенант
Ҳасанов Миржоҳон Тошпўлат ўғли

Сирдарё вилояти Ширин
шахар ИИБ хузуридаги
Тергов гурухи катта
терговчisi



капитан
Аббосов Жавдат Шухрат ўғли



Редактор:
О.Ш. Хакимова

Дизайнер:
М.Юлдошев

Журнал 08.09.2021 йилда Ўзбекистон
Республикаси Президенти Администрацияси
хузурудаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
аентлиги томонидан 1209 рақами билан рўйхатга
олинган.

ISSN 2181-2543

Бичими 60x84 1/8. «Segoe UI», «Times New
Roman» гарнитуралари.
Адади 100 нусха. Буюртма № J-01

Журнал «Yangi kun noshirlik uyi» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Зулфияхоним 24.
Телефон: 98 3354747

